

339.138(043.3)

Б65

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 339.138+382.6 (575.1)

БОЛТАБАЕВ МАҲМУДЖОН РУСТАМОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ  
ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА  
МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ

08.00.13 – «Маркетинг» ихтисослиги

Иқтисод фанлари доктори илмий  
даражасини олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Илмий маслаҳатчи  
иқтисод фанлари доктори,  
профессор

А. Ш. Бекмуродов

Расмий ошпонентлар:  
иқтисод фанлари доктори,  
профессор

А. Солиев

иқтисод фанлари доктори,  
профессор

Э. А. Акрамов

иқтисод фанлари доктори,

А. А. Исаджанов

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
Академияси Иқтисодиёт институти

Диссертация 2005 йил «15» Сесифоли соат 9<sup>00</sup> да Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д 067.06.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш мажлисида ҳимоя қилинади.

Манзил: 700063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2005 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатиленди.

Ихтисослашган  
кенгаш илмий котибаси,  
иқтисод фанлари доктори,  
профессор

М. С. Қосимова

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарбиги.** Жаҳон хўжалиги алоқаларининг глобаллашуви шароитида Ўзбекистоннинг глобал иқтисодий маконга кириши, авваламбор миллий иқтисодиётни ишлаб чиқаришнинг интернационаллашуви, ҳалқаро меҳнат тақсимотининг чукурлашуви ҳамда хомашё ва тайёр маҳсулотлар бозоридаги трансконтинентал рақобат шароити талаб этади.

Бундай мураккаб ва кенг миқёсли вазифани ҳал этишда Президент И.А.Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришининг ажралмас қисми бўлган ташки иқтисодий ривожланиш стратегиясининг аҳамияти бекёиёс каттадир. Ҳалқаро иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш, ташки савдони ривожлантириш, ишлаб чиқарилиши нисбатан арzon бўлган маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш учбу стратегиянинг энг муҳим жиҳатлари дир. Республикасимиз Президенти И. Каримов «Ривожланган экспорт қувватисиз Ўзбекистоннинг келажаги йўқ...»<sup>1</sup> – деб таъкидлаган эди.

Шу сабабли Республика тўқимачилик корхоналарининг ҳалқаро бозорлардаги экспорт фаолияти самарадорлигини оширишга фаол таъсир этувчи омилларнинг илмий жиҳатдан тадқиқ этилиши ғоят долзарб масаладир. Диссертация ишининг дикъат марказида турган маркетинг тизими, шундай фаолиятни самарали ташкил этишининг энг асосий воситаларидан биридир.

Қиёсий устуњликлар назариясига асосланган ҳолда таъкидаш мумкинки, Ўзбекистонда тўқимачилик саноати самарали экспорт фаолиятини амалга ошириши учун улкан геоиқтисодий имкониятлар ва салмоқли иқтисодий кудратга эга. Бу эса унинг трансконтинентал рақобат шароитида устуњликка эришиши учун улкан имкониятлар яратади.

Бутунги кунда тўқимачилик тармогининг экспорт фаолиятида бир қатор макро ва микроиқтисодий даражалардаги муаммолар мавжуд. Ушбу масалаларни ҳал қилиш Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияттига интеграциялашуви, хусусан, Бутунжаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлишилик арафасида турган шароитда республикамизда замонавий тўқимачилик ишлаб чиқаришини иқтисодий ривожлантиришининг маркетинг концепциясини шакллантириш ҳамда экспорт имкониятларини ривожлантиришининг маркетинг стратегиясини барпо этиш бўйича назарий – методологик тавсиялар ва амалий таклифлар мажмусасини ишлаб чиқиши талаб этади.

Шу жиҳатдан диссертацияда тўқимачилик саноати корхоналарининг самарали экспорт стратегиясини шакллантиришга, жумладан, уларнинг ташкия бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш тизимларини ташкил қилиш ва фаолият юритиши самарадорлигини таҳлил қилиш, тизим бошқарувини оптималлаштириш учун керакли ташкилий ўзгаришларни ишлаб чиқишига имкон берадиган назарий тавсиялар ва амалий ёндашувлар ифодаланган. Ушбу назарий ва амалий ёндашувлар натижалари Ўзбекистонда тўқимачилик саноатининг экспорт салоҳиятини ошириш муаммосини ҳал қилишга ҳамда хорижий бозорлarda рақобатбардош маҳсулотларни самарали сотиш ҳисобига республика бюджетига валюта тушумларини кўпайтиришга маълум даражада имкон бериши мумкин. Юқорида айтиб ўтилган фикрларга асосланган ҳолда, маркетинг

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998, 145 бет.

тадқиқотларини олиб бориши, Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарини экспортта йўналтирилган стратегия асосида ривожлантириш ғоятда долзарб илмий муаммо эканлигини асослаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришининг маркетинг концепциясини ишлаб чиқиши зарурлиги иқтисодий адабиётларда кенг кўриб чиқилемоқда. Халқаро майдонда А.Абрамшивили, Б. Берман, Т. Дањко, Е. Дихтель, П. Друкер, П. Завъялова, Ф.Котлер, Г. Крылов, Ж. Ламбен, Т. Левитт, С. Маджаро, К. Макнамара, Ф.Роджерс, В. Симонов, М. Соколов, А. Фелитон, Дж. Шонеси, Дж. Эванс, П.Черингтон, Х. Хёршген ва шу каби таниқли олимларнинг асарлари маркетингта доир масалаларни кенг ёртитиб беришга бағишилашган. Ушбу олимларнинг асарлари мазкур диссертацияни илмий – методологик жиҳатдан асослаш учун назарий манба бўйли хизмат қилди.

Сўнгти пайтларда Ўзбекистон иқтисодиётининг очиқ бозор тизимиға ўтиши муносабати билан республикамизнинг бир қатор иқтисодчи олимлари томонидан экспортта йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларига бағишилашган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, иқтисодчи олимлардан А. Алимов, А. Бекмуродов, Ж. Жалолов, И. Иватов, М.Насритдинова, М. Қосимова, А. Расулов, А. Солиев, Д. Мухитдинов, С. Салимов, С. Ғуломов ва бошқалар ўз асарларида маркетинг тизимини корхоналар экспорт салоҳиятини кучайтиришининг ил xor усули эканлигига катта эътибор қараттандар. Миллий иқтисодиётининг экспортта йўналтирилган етакчи тармоқларидан бири бўлган тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммолари И. Исқандаров, М. Каттахўжаев, Н.Маҳмудов, А. Ортиқов, С. Саидмуродов, М. Шарифхўжаев ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Ўзбекистонда тўқимачилик саноатини ривожлантириш бўйича И.Искандаров ўз илмий ва амалий изланишларини олиб борган. Иқтисодчи олим ўз илмий изланишларида, асарларида тўқимачилик саноатини ривожлантириш муаммоларига микроиқтисодий нуқтai назардан ёндашиб, Ўрта Осиёда тўқимачилик саноатини инқиlobга қадар ривожланиши, тўқимачилик саноатини ташкил қилиш тўқимачилик саноатини хомашё базасини бутунги ва келгусидаги ҳолати, тўқимачилик хомашёси сифатини ошириш муаммолари, тўқимачилик саноати маҳсулотлари истеъмоли тузилмасини такомиллаштириш муаммолари, келгусида тўқимачилик саноати ривожланишини иқтисодий башпоратлаш каби масалалар назарий, методологик ва амалий томондан чуқур асослаб берилган бўлиб, булатнинг барчаси республикамизда тўқимачилик саноатининг ривожланишида мұхим аҳамият қасб этган. Лекин И.Искандаров тўқимачилик корхоналарини ривожлантириш, экспорт салоҳияти, рақобатбардошлиги ҳамда ташкил бозорларга чиқиши йўлларининг маркетинг жиҳатларини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган.

М. Каттахўжаев ўзининг «Тўқимачилик саноатида меҳнатни илмий ташкил қилиш ва нормалаш «асослари» номли асарида тўқимачилик корхоналарида меҳнатни ташкил этиши ва нормалаш масалалари илмий тадқиқ қилинган бўлиб, муаллиф мавзуга миқроиқтисодий томондан ёндашган ва унинг доирасида асоссан персонал билан борлиқ муаммолар асосланган.

Тўқимачилик саноати ривожланишининг маркетинг жиҳатларини илмий тадқиқ этишга хорижий олимлар ҳам алоҳида эътибор қаратишган.

Масалан, Россиялик олим В.В. Симонов ўзининг «Тўқимачилик саноатида маркетинг» номли асарида реал хўжалик шароитларини ҳисобга олиб, тўқимачилик корхоналарида маркетинг мақсадларини шакллантириш, тўқимачилик маҳсулотлари бозори тавсифи, тўқимачилик корхоналарида маркетинг стратегиясини шакллантириш, тўқимачилик корхоналари тактикаси, маркетинг назоратини ташкил этиши ва маркетинг режасини ишлаб чиқиш каби масалаларни ёритишни мақсад қилиб олган бўлсада, лекин муаллиф тўқимачилик саноатида маркетинг масалаларига жуда тор доирада ёндашиб, кўпроқ умумий маркетинг масалалари (бозор, унинг хусусияти, тавсифи, товар, молия, меҳнат бозори, бозор сегментацияси, реклама ва бошқалар) билан чегараланиб қолган.

Шу билан бирга бу соҳада маълум даражада тâжриба тўпланганлигига қарамай, соҳанинг иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи, тўқимачилик саноатининг экспорт салоҳиятини баҳолаш, бу соҳада экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш ва экспорт маркетинги харажатлари самарадорлигини асослаш, тўқимачилик корхонаси рақобатбардошлик даражасини ҳисоблаш, стратегик маркетинг босқичида ресурслардан самарали фойдаланишининг интеграл кўрсаткичларини ҳисоблаш каби масалалар етари даражада ўрганиб чиқилмаган. Юқорида санаб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш зарурати мавзунинг танланнишига асос бўлди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тўқимачилик корхоналарининг экспорт имкониятларини ривожлантиришга қаратилган маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда жаҳон иқтисодиётига интеграцияниш шароитида Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг ташки бозорлардаги рақобатбардошлигини кучайтириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқицдан иборатadir.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этишни белгилаб олдик:

- тўқимачилик саноатида ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича маркетинг концепциясининг методологик асосларини тадқиқ қилиш;

- республикамиизда фаолият олиб бораётган тўқимачилик корхоналари экспорт фаолиятини ривожлантиришининг маркетинг стратегияси моделини ишлаб чиқиш;

- рақобатбардошлини баҳолаш услубиётларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлик даражасини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичларини такомиллаштириш;

- тўқимачилик корхоналари экспорт фаолиятини амалга оширишлари учун экспорт маркетинги харажатлари самарадорлигини аниқлаш услубини ишлаб чиқиш;

- тўқимачилик корхоналарининг ташки бозордаги рейтингини баҳолаш услубини ишлаб чиқиш;

- стратегик маркетинг Босқичида ресурслардан самарали фойдаланишининг интеграл кўрсаткичларини ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш;

- тўқимачилик саноати экспорт имкониятларининг маркетинг таҳлилини амалга ошириш;

- тўқимачилик корхоналарида экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш услубини ишлаб чиқиш;

— тўқимачилик корхоналари фаолиятларини кенг таҳлил қилган ҳолда товар сиёсатини такомиллаштириш масалаларини илмий жиҳатдан асослаб бериш;

— тўқимачилик корхоналарининг ташки бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш стратегиясини асослаб.

Тадқиқот предмети тўқимачилик саноатида экспортта йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг ҳалқаро бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ бўлган назарий муаммолар ва амалий масалалар мажмуасидан иборатdir.

Тадқиқот обьекти сифатида «Ўзбекенгилсаноат» ДАК таркибига кирувчи тўқимачилик корхоналари, хусусан «Бобур» номидаги Андижон ип газлама ишлаб чиқариш очиқ акциядорлик жамияти фаолияти танлаб олинган.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарларида ёритилган мамлакатда туб иқтисодий ислоҳотларини амалга ошириш масалаларига оид назарий қарашлар ва иқтисодий концепциялар, республика ҳукумати томонидан тўқимачилик саноатини ривожлантиришга оид ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар ва тўқимачилик саноатининг ишлаб чиқариш ва савдо фаолиятларига маркетинг тизимини татбиқ қилиш муаммолари билан шуғулланувчи иқтисодчи олимларнинг асарлари ташкил этади.

Олиб борилган тадқиқотда илмий билишнинг қиёсий ва тизими таҳлили, реал воқеаликни сифат ва миқдорий жиҳатдан ўрганиш, иқтисодий – статистик усуслар, эксперт баҳолаш усули, шунингдек директ – костинг усули, маҳсулотга бўлган талаб ва таклифни кузатиш усуслари, функционал қиймат таҳлили каби усул ва услублардан фойдаланилди.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат Статистика Кўмитаси, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК ва Жаҳон банкининг статистик маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ўзбекистон тўқимачилик саноатини иқтисодий ривожлантиришнинг маркетинг концепциясини шакллантириш, ташки бозордаги рақобатбардошлигини ошириш ҳамда экспорт имкониятларини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишига имкон берувчи илмий – назарий тавсиялар ва амалий таклифлар асослаб беришган. Олиб борилган тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

- маркетинг концепциясининг назарий асосларини чуқур таҳлил қилиш асосида «Маркетинг концепцияси», «Ҳалқаро маркетинг концепцияси» ва «Маркетинг стратегияси»нинг янги тушунчалари ифодалаб берилид;

- республика тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси модели яратилди;

- тўқимачилик саноати корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш йўллари асослаб берилид;

- тўқимачилик саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини баҳолаш усбули такомиллаштирилди;

- стратегик маркетинг босқичида ресурслардан самарали фойдаланишининг интеграл кўрсаткичларини ҳисоблаш услуги ишлаб чиқилемди;

- тўқимачилик саноати корхоналарининг ташки бозордаги рейтингини баҳолаш услуби тавсия қилинди;
- тўқимачилик саноати хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда экспорт маркетинги харажатлари самарадорлигини аниқлаш услуби ишлаб чиқилди;
- тўқимачилик саноатида экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш услуби ишлаб чиқилган;
- тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятларини кенг таҳлил қилган ҳолда мавжуд стратегиялардан мақбулини танлаш ҳамда товар сиёсатини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар илмий – назарий жиҳатдан асослаб берили.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. республикамиз тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантирипча маркетинг стратегиясини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган илмий – назарий тавсиялар ва амалий таклифлар тўқимачилик маҳсулотлари экспорти самарадорлигини оширишга, хомашё ва тайёр маҳсулотлар бозоридаги трансконтинентал рақобат шароитида мувафақиятта эришишга имконият яратади.

Диссертацияда таклиф этилган услублар ва амалий таклифлардан «Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг амалий фаолиятида ва бошقا бирлашмаларда фойдаланишлари мумкин. Шунингдек таълим жараёнида ўкув дастурлари, ўкув қўлланмалари тайёрлаща, маркетинг мутахассислари бўйича таълим олаётган талабаларга «Маркетинг» фанини ўргатишда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Асосий натижаларни синовдан ўtkазиш ва татбиқ этиши. Диссертациянинг асосий хуносалари ва натижалари «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти: ислоҳотларни чукурлаштириш ва эркинлаштириш» (Тошкент, 2002 йил 22 – 23 октябр), ЎзФА Иқтисодиёт институти, Ижтимоий фикр маркази, Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия). «Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари» (Тошкент – Берлин – Бонн. 2003 йил), «Миллий иқтисодиёт соҳаларида халқаро тажрибани ўрганиш ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантирища татбиқ этиши» (Тошкент, 2004 йил ноябр), «Мингтака табиий ресурсларидан фойдаланишининг бозор механизми ва уни тақомиллаштириш муаммолари» (Тошкент, 2005 йил 28 февраль) номидаги халқаро ва республика анжуманларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63ф –сонли фармойишига мувофиқ вилоят ҳокими мувонилари ва туман ҳокимлари учун ташкил этилган семинар тренингда «Истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш муаммолари» мавзусида маъруза қилинган.

Шунингдек, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти, Андижон мұҳандислик – иқтисодиёт институти, Тошкент давлат техника университети илмий ва амалий семинарларида маъруза қилинган ва мұхокамадан ўтган.

Тадқиқотнинг амалиётта татбиқ этилганлари. Диссертацияда ишлаб чиқилган хуоса ва таклифлардан бутунги кунда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК таркибига кирувчи «Бобур» номидаги Андижон ип газлама ишлаб чиқариш очиқ акциядорлик жамияти (№ 353, 28.07.04), «Пойтуг» калава ип ва хом сурп ишлаб чиқариш очиқ акциядорлик жамияти (№ 170, 26.07.04), Фарғона вилояти, Бешариқ туманиндағы «Besteks» мастьулияти чекланган жамият

шаклидаги (Ўзбекистон – Германия – Туркия) қўшма корхонаси (№ 160, 15.10.04.) амалий фаолиятида қўлланимокда.

Нашр қилинган ишлар. Диссертациянинг асосий мазмуни тадқиқотчининг жами 30 б.т. дан ортиқ илмий ишларида ўз аксини тошган.

Диссертациянинг тузилиши кириш, 5 та боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмida мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, ўрганилганлик даражаси, предмети, объекти, илмий янгилиги, илмий – услубий асослари, назарий ва амалий аҳамияти, асосий натижаларни синовдан ўтказиш ва татбик этиш, чоп этилган ишлар баён қилинган.

Биринчи боб тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ва экспортни бошқаришда маркетинг концепциясининг методологик асосларига қаратилиб, ушбу бобда олимларнинг маркетинг бошқарувининг умумий назариясига оид асосий муаммоларга қараашлари тадқиқ этилган. Маркетинг концепциясининг таърифи, унинг энг муҳим элементлари; маркетингнинг стратегияк режалаштириш функцияси сифатидаги роли; оптимал маркетинг – миқс мажмуасини ишлаб чиқиш; тўқимачилик ишлаб чиқаришнинг маркетинг стратегиясини шакллантириш; тўқимачилик маркетингида ташкилий тузилмаларнинг барпо этиш йўллари ва бошқа шу каби масалалар илмий тадқиқ қилинган.

Иккинчи боб Ўзбекистонда тўқимачилик саноати корхоналарининг экспорт салоҳиятини баҳолаш ва таҳдил қилиш масалаларига қаратилиб, унда экспорт салоҳиятининг моҳияти ва уни баҳолаш мезонлари, Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарининг экспорт салоҳияти, уни кучайтириш ва амалга ошириш муаммолари кўриб чиқилган ва Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарининг экспорт имкониятлари бўйича маркетинг таҳдили амала оширилган.

Учинчى бобда ташкии бозорларда тўқимачилик саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлаш масалалари кўрилган бўлиб, маркетинг фаолиятини такомиллаштириш асосида тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари тадқиқ этилган.

Тўртинчи боб «Тўқимачилик корхоналарини маркетинг тамойиллари асосида бошқариш методологиясини ишлаб чиқиш» деб номланиб, унда маркетинг бошқаруви тўқимачилик корхоналарини бошқаришнинг умумий функция сифатидаги масалалари, шунингдек экспортчи корхоналарни бошқаришнинг ташкилий тузилмасини ташкии бозорларда ишлаш шароитларига мослаштириш усуслари ишлаб чиқилган.

Бешинчи боб тўқимачилик саноатида экспорт фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларига қаратилган бўлиб, ушбу бобда экспортчи тўқимачилик корхоналарининг хорижий бозорларга чиқиш усуслари ва экспорт маркетинг стратегиялари асосида берилган; экспортчи корхоналарнинг ташкии бозорлардаги рейтингини баҳолаш методикаси ҳамда экспорт маркетинги харажатлари самарадорлигини аниқлаш методикаси яратилган.

Диссертациянинг хуроса қисмida олиб борган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, илмий – назарий тавсиялар ва амалий таклифлар баён этилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Маркетинг иқтисодий адабиётларда хўжалик юритишнинг ривожланган бозор тизими билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, уни бошқаришининг энг муҳим элементларидан бири сифатида ўрганилади. Маркетинг воситалари ҳар қандай иқтисодий вазиятда ҳам ишлаб чиқариши соҳасининг ижтимоий йўналтириш вазифасини бажара олади. Бундан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, маркетинг фаолияти бозорнинг ҳар қандай тўйинганлик даражасида ҳам (нафақат соғ бозор иқтисодиёти тизимида) иқтисодий субъектлар, яъни: истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг феъл – авторини улар учун манбаатли бўлган йўналишга ўзгартирини мумкин. Шу жиҳатдан ҳам Ўзбекистонда тўқимачилик саноатида замонавий ишлаб чиқарипни иқтисодий ривожлантиришнинг маркетинг концепциясини шакллантириш муаммосини ўрганиш ўяят муҳим масаладир.

Иқтисодий адабиётларда маркетинг концепциясига турлича таърифлар берилган. Масалан, А. Фелитон ўзининг «Классик маркетинг» китобида маркетинг концепциясига шундай таъриф беради: «Маркетинг концепцияси – қатъий равишда интеграция ва координатияни талаб қиливчи корпоратив фикрлаш ҳолати бўлиб, у ўз навбатида қолган корпоратив функцияларни асосий ташкилий мақсадга – максимал узоқ муддатли даромад олишта эршишта йўналтиради»<sup>2</sup>. К. Макнамара эса маркетинг концепциясига кенгроқ доирада қарайди ва уни «бизнесни бошқаришининг истеъмолчига йўналтирилган, даромадни мақсад қилиб олиш зарурлигини ва маркетингнинг энг муҳим роли бозор эътиёжлари ҳақидағи маълумотни корпорациянинг қолган барча асосий бўйинмаларша етказицдан иборат эканлигини корхона миёсида тан олишта асосланган фалсафаси»<sup>3</sup> – деб атайди. Р. Левидж, Т. Левитт, Р. Станпэ ва Ф.Котлер каби олимлар эса маркетинг концепциясига шунга ўхшаш, бироқ бирмунча бошқачароқ талқин қилинадиган таърифларни таклиф қилгандар. Масалан, Ф.Котлернинг «Маркетинг менежмент» китобида маркетинг концепцияси «ички – ташки истиқболи кўзлайди. У мақсади бозорни аниқ белгилаб олишдан бошланади, асосий эътибор харидорнинг эътиёжларига қаратилади, истеъмолчиларга таъсир кўрсатадиган чора – тадбирларнинг бутун бошига комплекси кўзда тутилади, бу эса рентабелли ишлаб чиқарипни олиб боришига имкон беради»<sup>4</sup> – деб таъқидланади.

Юқорида келтирилган ва бошқа бир неча маркетинг концепциясига берилган таърифларни умумлаштириб, таҳлил қилиб, уларнинг барчасида ҳам қуйидаги утта асосий фикр ётганлиги аникуланди:

- эътиборни истеъмолчиларга қаратиш;
- мувофиқлаштирилган маркетинг;
- фойдалалик (даромаддлилк).

Мазкур олимлар асосий эътиборни ушбу жиҳатларга қараттган ҳолда, маркетинг концепциясида келтирилган фалсафий қоидалар қатъий чекланган амалий қўйматга эгаллини таъкидлаб, бу ердаги асосий вазифа – бу операционал таърифларни ишлаб чиқицдан иборатлигини айтиб ўтадилар. Уларнинг энг муҳими эса ривожланишининг маркетинг концепцияси амалда ишлаб чиқарипни бозорга йўналганилигидир. Илмий адабиётларда ишлаб

<sup>2</sup> Фелитон А. Классический маркетинг. СПб.: Питер – ком, 1996, 57 бет.

<sup>3</sup> Макнамара К. The world Competitiveness Yearbook, 1998, IMD, 48 бет.

<sup>4</sup> Котлер Ф. Маркетинг – менеджмент. СПб.: Питер – ком, 1998, 37 бет.

чиқаришни ривожлантириш бўйича маркетинг концепциясининг бир неча йўналишлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар классик маркетинг назариясининг бир кўриниши ёки хусусий ҳолларидан биридири.

Бугунги кунда «Бизнеснинг ижтимоий масъуллиги» концепцияси ҳам мавжуд бўлиб, унинг асосий моҳияти ер юзида ресурсларнинг чегараланганинги эътиборга олган ҳолда, ҳар қандай бизнеснинг юқори фойда олиш йўлидаги асосий фаолияти ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишга қаратилиши лозимлигини таъкидлайди. Ҳақиқатдан ҳам, юқоридаги олимлар томонидан «маркетинг концепцияси»га берилган таърифлари ва маркетингнинг турии йўналишлардаги концепциялари умуман олганда анча шакллантирилгандири. Лекин уларда маълум чегараланишлар ҳам мавжуд. Бизнинг фикримизча, замонавий ишлаб чиқаришни маркетинг концепциясининг асосий вазифаларидан бири «Бизнеснинг ижтимоий масъуллиги» концепциясида илгари сурилган яънларга яъни ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган бўлиши керак. Бу масала таърифларда ўз ифодасини топмаган. Шунингдек, бу таърифларда корхоналар ички ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари эътибордан четда қолган. Чунки, бизга маълумки, муомала харажатларининг камайиши муайян турдаги маҳсулотга бўлган нарҳининг пасайишини таъминловчи асосий омил саналади.

Шунга асосан биз маркетинг концепциясини қўйидаги тушунча асосида ифодаланишини таклиф киламиз: «*Маркетинг концепцияси – бу мақсадли бозорни белгилаб берувчи, ундаги истеъмолчиларни муайян маҳсулотта бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш орқали максимал даражада даромад олиш учун ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдалангани ҳолда, рақобатбардошликни таъминлашта йўналтирилган фаолиятдири.*

Юқорида ифодаланган «Маркетинг концепцияси» тушунчаси комплекс тушунча бўлиб, иқтисодий фаолиятнинг З та функциясини (ишлаб чиқариш=>айирбошлаш=>истеъмол) бир – бири билан чамбарчас боғлиқлиқда таърифлайди.

Халқаро рақобатнинг кескинлашуви шароитида корхоналарнинг ташки иқтисодий фаолиятини самарали ташкил қилиш кўп жиҳатдан халқаро маркетинг концепциясига боғлиқ бўлиб бормоқда.

Шунга асосланган ҳолда, ўз тадқиқотимизда халқаро маркетинг концепцияси бўйича олимларнинг фикрларини, илмий ёндашувларини ҳам таҳлил қилиб чиқдик. Таҳлиллар шундан далолат бердики, кўплаб хорижий ва маҳаллий маркетологлар халқаро маркетингни товарлар ва хизматларни ташки бозорга чиқариш бўйича фаолият деб ифодалайдилар.

Лекин шундай бўлсада уларнинг халқаро маркетингта берган таърифларини, унинг иқтисодий моҳиятини тўла очиб берувчи универсал таърифлар деб ҳисоблаб бўлмайди. Чунки ҳозирги жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида халқаро маркетинг тушунчаси ўзига халқаро меҳнат тақсимотининг чукурлашуви, ишлаб чиқаришнинг интернационаллашуви каби тушунчаларни ҳам уйғунаштирган бўлиши керак.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, халқаро маркетинг тушунчасини биз қўйидагича ифодалаймиз: «*Халқаро маркетинг – бу жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, халқаро меҳнат тақсимотининг чукурлашуви, рақобатнинг кескинлашуви ҳамда ишлаб чиқаришнинг интернационаллашуви шароитида корхона учун мақсадли бозорни згаллаш бўлиб унинг асосий мезонида хорижий*

*истеъмолчилар манфаатларини тўла қондириш учун корхонанинг ички ишлаб чиқариш имкониятларини мақсадли бозор талабига мослаштириш асосида юксак даромадлар меъёрига эришиш тушунилади».*

Биз ифодалаган ушбу тушунча, аввалгиларидан қуидаги жиҳатлари билан фарқ қиласди. Бу таъриф ўз ичига ишлаб чиқаришнинг интернационаллашуви, ҳалқаро меҳнат таҳсимотини чукурлашуви жараёнларини ҳам қамраб олган.

Маркетинг концепциясининг энг муҳим элементи бу мақсадли бозорни эгаллаш учун корхонанинг ички имкониятларини ташки бозор (муҳит) талабларига мослаштиришга қаратилган маркетинг стратегиясини шакллантиришдир.

Иқтисодий адабиётларда маркетинг стратегиясига бир неча хил таърифлар берилган. Масалан, Д.Ж. Скали «Маркетинг стратегияси – барқарор рақобатли устунликларни эгаллашга қаратилган ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлардир»<sup>5</sup> – деб ҳисоблайди.

Ф. Котлер, М.МакДональд, П. Андерсенлар эса мақсадларни белгилаш ва стратегияни ифодалаш жараёнларини бир – бирдан фарқлайдилар.

Масалан, Ф. Котлер «Мақсадлар – бу ривожлаништган ўйналишлари бўлиб, улар маркетинг режасини ишлаб чиқиш жараёнидаги ифодаланади, стратегия эса уларга эришиш режасидир»<sup>6</sup> – деб ҳисоблайди. Бошқа тадқиқотлар одатда мақсадлар бир томондан, стратегияни ишлаб чиқишдан аввал ифодаланиши керак, иккинчи томондан эса, у билан бирга амалга оширилиши лозим, деган фикрга қўшиладилар. Юқорида айтиб ўтилган фикрлардан кўрининиб турибдик, бу масала бўйича олимлар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас. Бизнинг фикримизча, «Маркетинг стратегияси – бу узоқ муддатли мақсадларни ифодалаш ва мавжуд ресурсларни очилаётган имкониятилар билан таъкослаб кўриш йўли билан ишлаб чиқаришни стратегик режалаштириш жараёнидир».

Шу жиҳатдан ҳам юқоридаги назарий асосларга таянган ҳолда таъкидаш мумкин, Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарида маркетинг стратегиясини шакллантириш зарурати, бизнингча, корхоналар фаолиятининг ташки муҳитидаги фундаментал ўзгаришларнинг пайдо бўлиши, миллий иқтисодиётдаги ривожланишининг янги босқичи, хўжалик юритиш тизимининг янада эркинлаштирилиши, ташки иқтисодий фаолиятнинг фаол ривожланиши билан борлиқдир. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегиясини шакллантиришнинг асоси стратегик режалаштириш бўлиб, у тармоқ мажмуасидаги мақсадлар, имкониятлар ва ресурсларнинг барқарор мувозанатига эришиш ва уни сақлаб туришта ҳамда янги бозор истиқболларига қаратилган бошқарув жараёнидир.

Бизнинг фикримизча, тўқимачилик саноатида маркетинг стратегиясининг энг муҳим жиҳати тўқимачилик ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг экспорт имкониятларини (салоҳиятини) ошириш орқали Ўзбекистоннинг индустрисал давлатлар учун хомашё етказиб берувчи эмас, балки тайёр маҳсулотлар экспорт қиувлечи давлат сифатида намоён қилишни ва қўшилган қиймат ортигасини кўлпайтиришни кўзда тутиши лозим.

Ўзбекистонда тўқимачилик саноати учун маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнини чизма кўринишда қўйидагича тасвираш мумкин (1 – расм).

<sup>5</sup> D.J. Scall. New men and Logan. London, 1971, 89 бет.

<sup>6</sup> Котлер Ф. Маркетинг – менежмент. СПб.: Питер – ком, 1998, 41 бет




1 – расм. Тұқымачилик саноатида маркетинг стратегиясини барпо этиши варианты.

Бундай мураккаб вазифаның амалға оширилиши тұқымачилик саноатида мақсулот ишлаб чықарышига бўлган муносабатни ўзгартириши кўзда тутиб, у тармоқдаги корхоналар фаолиятини маркетинг тизими асосида ташқил қылышни тақозо этади.

Маркетинг ёндашуви нұқтаи назаридан қараганда, Ўзбекистондаги тұқымачилик мақсулотлари ишлаб чықарувчилари учун асосий мумаммo, мақсады бозорлардан ўз үрнини топиш, етакчи тұқымачилик мақсулотлари ишлаб чықарувчилар ўргасидаги ғоятда кескин рақобат шароитларида ички ва ташқи бозорлардан ўз харидорларини топишидан иборатdir. Ўзбекистонда ишлаб чықарилаёттан тұқымачилик мақсулотларининг барчаси ривожланган хорижий бозорларда, хусусай, Европа бозорларида бир вақтнинг ўзида ўзлаштирилиши кийин. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон тұқымачилик саноатининг экспорт соҳаси бўйича стратегик вазифалардан бири Россия ва бопшқа МДҲ мамлакатлари бозорларида ўз фаолиятини мустаҳкамлаш ва көнгайтиришdir. Аммо бу ҳолда, Россиялик тұқымачилик мақсулотлари ишлаб чықарувчиларининг манфаатлари билан тұқнаш келиб қолиш мүқаррардир, чунки Ўзбекистондан экспорт қилинаёттан пахтали газламалар, чойшаб ва шу каби тұқымачилик мақсулотлари азалдан пахтали газламаларни ишлаб чықарып ташқил қылинган жойларга ҳам бориб туради. Ҳозирча Ўзбекистонда ишлаб чықарилган ва Россияга экспорт қилинаёттан пахтали газламаларни ва улардан тайёрланган мақсулотларни ҳажми унчалик катта бўлмасада, яқин йилларда бу соҳада кескин рақобат вужуда келиши мүқаррардир.

Бутунжағон Саудо Ташқилотининг 2005 йилдан бошлаб тұқымачилик ва тайёр мақсулотларга бўлган квотанинг бекор қилиши оқибатидә күтилаёттан кескин рақобат шароитида мавжуд бозорларни ушлаб қолишининг энг оптималь ечими, тармоқни технологик жиыннан янгилаш, харажатларни камайтириш, мақсулот сиғатини ошириш ва унинг ассортиментини көнгайтириша қаратылған тұқымачилик саноатини ривожлантириши стратегиясини, қолаверса унинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишидан иборатdir.

Бизнинг фикримизча, тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини яратиш, ижтимоий мақсадлар, бошқарув мақсадлари ва техник иқтисодий мақсадлар йўналишида амалга оширилиши лозим. (2 – расм).



## Мақсадлар ва кўрсаткичлар

Ижтимоий мақсадлар  
йўналиши

Тараққиётнинг  
асосий стратегик  
йўналиши

Техник – иқтисодий  
мақсадлар йўналиши

Истеъмолчиларни қидириш ва  
уларнинг манфаатларини  
хисобга олиш

Тармоқдаги маҳсулот экспорти  
ҳажмини ошириш

Маҳсулотнинг кенг тан  
олинишига эришиш

Ишлаб чиқаришни техник қайта  
жиқозлаш ва технологик янгилаш,  
илғор хорижий технологиялардан  
фойдаланиш

Бозорга аниқ  
таъсир кўрсатиш

Хомашёни қайта ишлайдан тайёр  
маҳсулот ишлаб чиқаришгача  
бўлган технология ишлаб чиқариш  
занжирларини яратиш

Истеъмолчиларнинг  
атроф – мурдитни муҳофаза  
қилишига оид талабларини  
хисобга олиш

Минтақада айрим  
корхоналар асосида тўқимачилик  
асбоб – ускуналари учун эҳтиёт  
қисмлар ишлаб чиқариш базасини  
ташқил қилиш

Стратегик вазифаларни  
умуммиллий масалалар билан  
боглаш

Ишлаб чиқариш рентабеллиги ва  
самарадорлигини ошириш

Иқтисодиётни ривожлантириш  
вазифаларини жамиятни  
ривожлантириш масалалари  
билан boglaш

ЭКО – ТЕХ – 100 халқаро стандарт  
сертификатини олиш

### Умумий стратегия

Портфель стратегияси (диверсификация стратегияси) – даромад олиш, янги товарларни ишлаб чиқиши ва бозорга чиқариш, мавжуд савдо ҳажмини сақлаб туриш, хорижий бозорларни згаллаш ва бозор позицияларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ тармоқни ривожлантириш йўналишларининг самарали мувозанатига эришиш

### Айрим қуий тармоқлар ва фаолият соҳалари бўйича стратегия

Айрим қуий тармоқлар ва фаолият турлари бўйича стратегия умумий кўринишда ҳар бир бўлинма бўйича асосий мақсад орални мақсадлар пировард мақсадлар шаклланади:

А<sub>1</sub> – пахта – қозоуз саноати бўйича стратегия;

А<sub>2</sub> – ипакчилик саноати бўйича стратегия;

А<sub>3</sub> – тикув ва трикотаж саноати бўйича стратегия;

А<sub>N</sub> – п....

Функционал стратегия



Функционал стратегия — молия, маркетинг, тадқиқот, ходимларни бошқариш ва шу каби бошқа функционал соҳалардаги ҳаракатларнинг йўналишини белгилайди. Мақсади — корпоратив ва бизнес миқёсда қўйилган вазифаларнинг максимал самарадорлик билан ҳал қилинишини таъминлаяди.

Фарқлари: ишлаб чиқаришининг ички йўналганлиги (алоҳида корхоналар бўйича).

Функциялар бўйича  $\Phi_1, \Phi_2, \Phi_3 \dots \Phi_N$



Ташкилий лойиҳалаш ва баҳолаш

2-расм. Ўзбекистон тўқимачилик саноатида маркетинг стратегиясини шакллантириши модели.

Юқоридаги фикрлар асосида шуни айтишимиз мумкинки, маркетинг стратегияси тармоқ бошқарувининг ташки мухит ва бозор тараққиёт шароитларига, талабга, рақобат курашига ва жамиятнинг узоқ муддатли умумий талабларига мослашишига имкон беради ва узоқ муддатли стратегик лойиҳалаш ва баҳоратлаш вазифаларининг ҳал қилинишини кўзда тутади. Бу эса тармоқни ташки мухитда ва бозор вазиятларида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларга яхшироқ мослашишига ҳам имкон беради.

Маркетинг стратегиясини амала оширишнинг энг муҳим йўналиши унинг оптималь ташкилий тузилмасини барпо қилиш бўлиб, улар ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятларига ҳамда тармоқ фаолиятининг турли омилларига боғлиқдир. Бозор замонавий тўқимачилик ишлаб чиқаришини бошқарувининг барча элементларига жиҳдий таъсири кўрсатади, бутун ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятида сезиларни ўзгаришларга олиб келади ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришининг реал имкониятини яратади.

Бинобарин, маркетинг сиёсати бу ерда foятда муҳим аҳамият касб этади ва охир – оқибатда бутун бошқарув тизимининг самарадорлигини белгилаб беради. Бозор иктисодиёти шароитида маркетинг корхоналарнинг бутун фаолиятига, истеъмолчиларнинг истак – хоҳипларини маҳсулотда ифодалашдан кескин рақобат шароитларида маҳсулотни бозорда муваффақиятли сотишгacha бўлган барча босқичларга татбиқ қилиниши лозим. Маркетинг фаолияти корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини ўзгарувчан иктисодий вазиятларга (даромадлар, нархлар, конъюнктура), бозордаги истеъмолчиларнинг талабларига ихчам мослашувини таъминлаяди. Ушбу функциялар корхоналарда маркетинг хизматлари томонидан амала оширилади. Бозор иктисодиётига ўтиш шароитларида маркетинг хизматлари корхона бошқарувининг энг муҳим бўғинидир. Маркетинг хизмати бошқа хизматлар билан биргаликда фойда олишга қаратилган ягона интеграцияланган жараёнин ташкил қиласди.

Маркетинг хизмати маркетинг бўлими асосида муваффақиятли фаолият кўрсатиши мумкин бўлиб, биз бундай бўлимларни республикадаги йирик тўқимачилик корхоналарининг ҳар бирида ҳозирда мавжуд бўлган маркетинг бўлимлар ўрнига ташкил қилишни тавсия қиласмиз. Шу муносабат билан, биз маркетинг бўлими тўғрисидаги намунавий Низомни ишлаб чиқдик. Унда маркетинг хизматининг роли ва функциялари, ташкилий тузилмаси ҳамда фаолиятини корхонанинг бошқа бўлимлари билан мувофиқлаштириш масалалари баён этилган.

Ўзбекистоннинг бугунги ташки иктисодий сиёсати экспортта йўналтирилган тармоқларни янада ривожлантиришга қаратилган. Республиканинг экспорт

салоҳиятини ошириш жараёнида тўқимачилик саноати корхоналари мухим ўрин тутади. Шу жиҳатдан ҳам тадқиқотда Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган тўқимачилик корхоналарининг экспорт салоҳиятини баҳолаш йўлларини асослаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Миллий иқтисодиётдаги бозор ўзгаришлари шароитида экспорт салоҳиятини баҳолаш корхоналар олдида турган асосий масалалардан бирита айланди. Экспорт салоҳияти – комплекс кўрсаткич бўлиб, у корхонанинг хусусиятларини, шунингдек, унинг маҳсулотларини сотиш мумкин бўлган бозорларни ҳисобга олади ҳамда унинг табииатидан келиб чиқкан ҳолда потенциал сотув бозорига қўйиладиган талаблар рўйхатини акс эттиради.

Замонавий иқтисодий адабиётларда экспорт салоҳиятига бағишиланган асарлар анча кам бўлиб, ушбу адабиётларда экспорт салоҳиятига нисбатан уч хил ёндашувни учратиш мумкин.

**Биринчи ёндашув (позиция)** – бунда экспорт салоҳияти рақобатбардошликка тенглаштирилади. Масалан, француз олимлари А. Дайна, Ф. Букерельлар корхона ўз имкониятларини аниқлаб олиши керак, деган фикрни илгари сурини билан экспорт салоҳияти ўрнига корхонанинг рақобатбардошлиги деган тушунчани ишлатадилар ва уни бирмумича кентайтириб, ташки савдо, савдо концепцияси, ташки сиёсат каби омиллар билан тенглаштирадилар. Бизнингча, бундай тенглаштириш асоссизdir.

Албатта, экспорт салоҳияти рақобатбардошликка қараганда анчагина кент тушунчадир. Экспорт салоҳияти маҳсулот ишлаб чиқаришга таъсир қиладиган барча ресурслар ва омилларни ҳамраб олади, рақобатбардошлик эса уларниң фақат бир қисмини ўз ичига олади. Шак – шубҳасиз, рақобатбардошлик корхонанинг бозор улушкини эгаллаш, бозорда мустаҳкам турла олиш қобилиятини кўрсатувчи тушунча сифатида корхонанинг экспорт салоҳияти мезонларидан биридир.

**Иккинчи ёндашув** шундан иборатки, ҳалқаро иқтисодий муносабатлар, экспорт, ташки савдо маркетинги бўйича тавсиялар ишлаб чиқсан кўпгина муаллифлар экспорт салоҳияти тушунчасини четлаб ўтадилар.

**Учинчи ёндашув** – кўшина муаллифлар корхонанинг экспорт салоҳиятини баҳолаш кераклиги ҳақида гапирганда бундай баҳонинг аниқ тузиласи берилмай, балки фақат умумий оғзаки тавсиялар берилади. Масалан, рус олими В.Н. Жуков қўйидагиларни тавсия қиласди:

Корхонанинг экспорт салоҳиятини таҳлил қилиш унинг ишлаб чиқариш ва сотув фаолиятидаги стратегия ва тактикани белгилаб олишга имкон беради. Шунингдек, товар ассортименти, ишлаб чиқариш қувватлари, моддий – техник таъминоти ва сотув тизими, илмий – техник салоҳият, раҳбар ва ишчи ходимлар таркиби, молиявий имкониятлар ҳам таҳлил қилинади.

Бундан кўриниб турибдикি, корхонанинг экспорт салоҳиятини бундай баҳолашда унинг имкониятлари ҳақида фақат умумий тасаввур ҳосил қилиш мумкин холос. Бунинг устига «Экспорт салоҳиятини қандай баҳолаш керак?» деган саволга аниқ жавоб ҳам йўқ. Шунингдек, бу ерда босқичларнинг кетма – кетлиги белгиланмаган, яъни салоҳиятнинг миқдорий характеристикалари мажмуаси ҳам ўз аксини тоғмаган. Бу аҳвол экспорт салоҳиятини баҳолашга жиждий бўлмаган нарсага қарагандек қаралаёттанилигини, яъни унга етарлича эътибор берилмаёттанилигини кўрсатади.

Ҳозирги пайтда жуда кўп иқтисодчилар республикамида тўқимачилик корхоналари экспорт салоҳиятини баҳолашга тор кўламда қарайдилар ва

уни фақат ишлаб чиқаришда ўзлаштириб бўлинган маҳсулотни экспорт қилиш ҳажмини аниқлашдангина иборат деб ҳисоблайдилар. Аммо бундай таҳминий баҳолаш ўзининг мавҳумлиги, хулосаларнинг бирёзламалиги билан ажralиб туради, шу сабабли улар корхонада экспорт муаммоларини ҳал қилишга қаратилган ва самарали хатти – ҳаракатлар дастури учун тўлақонли асос бўлиб хизмат қила олмайди.

Республикадаги тўқимачилик корхоналарининг экспорт салоҳиятини характерлар эканмиз, шуни айтиш мумкинки, унинг салоҳияти даражаси фикримизча, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш, капиталдан фойдаланиш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, корхонани бошқариш, корхонанинг молиявий аҳволини баҳолаш, илмий – техник салоҳият, ахборотдан фойдаланиш, ташқи омилларни баҳолаш самарадорлиги каби омилларга боғлиқдир (3 – расм).



3 – расм. Тўқимачилик корхонасининг экспорт салоҳияти даражасини баҳолаш.


Юқоридаги расмдан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда арzon маҳаллий хомашё ва ишчи кучининг мавжудлиги тўқимачилик саноатини ривожлантириш ва унинг экспорт салоҳиятini ошириш учун реал шарт – шароитлар яратади. Бутунги кунда республикамиз тўқимачилик саноати Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатларида 1997 – 1998 йилларда юз берган умумий инқизоз ва кескин рақобат шароитлари натижасида жаҳон тўқимачилик маҳсулотлари бозорида ўзининг мавқеини бир оз бўлсада мустаҳкамлашга ва иқтисодий кўрсаткичларининг барқарорлашишига эга бўлди.

Бу эса тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг оширилиши, маҳсулот экспортининг ўсиши, хорижий инвестицияларнинг кўпайиши, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши билан характерланади.

Ўзбекистон Республикаси енгил саноат корхоналарига киритилган чет – эл инвестицияларининг умумий ҳажми динамикасини қўйидаги рақамлардан кўриш мумкин

Масалан, 1995 йилда енгил саноат корхоналарига киритилган инвестициялар ҳажми 37,37 млн АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2004 йилда 848 млн АҚШ долларига яқин инвестициялар жалб қилинган бўлиб уларнинг асосий қисми тўқимачилик саноатини ривожлантиришга қаратилгандир.

Бунинг натижасида бугунги кунда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК таркибида тўқимачилик саноатининг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришдаги улуши 81 %ни ташкил этмоқда. (4 – расм)



4 – расм. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича тўқимачилик саноатиниг «Ўзбекенгилсаноат» ДАК таркибидаги улуши\*

\*Манба: «Ўзбекенгилсаноат» ДАК маълумотлари асосида

Республикамизда «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналарини хусусийлаштириш дастури амалга оширилиб, улар акционерлик жамиятларига айлантирилди. Шунингдек, қўшма корхоналар ташкил қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки иштирокида инвестиция лойиҳалари бажарилди. Япония, Корея, Туркия, Германия, Швейцария, Австрия, Италия, Франция, Португалия ва АҚШ давлатлари билан тузилган битимлар асосида тармоқларнинг техник даражасини тубдан ўзгартириш ва жаҳон бозорида дадил раҳобатлашиш учун замин ҳозирланди.

#### Тўқимачилик саноатида:


- Корея Республикасининг «Кабул Текстайлз» корхонаси билан тузилган «Қабул – Ўзбек Ко» қўшма корхонаси Тошкент ва Тўйтепа шаҳарларидағи мос равишда 47,0 минг тонна ип ва 24 млн п.м. газлама ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган иккита йирик фабрикани бирлаштирган. Лойиҳанинг қиймати – 197 млн АҚШ долларига тенг бўлиб, қўшма корхона ўз маҳсулотининг 90 фоизини экспортга чиқаради. 2000 йилда яна шу корхона билан Фарғона тўқимачилик комбинатини техник қайта жиҳозлаш лойиҳаси амалга оширила бошланди. Лойиҳада 110 млн. АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги инвестицияга эга бўлган «Кабул Ферғана Ко» қўшма корхонасини ташкил қилиш кўзда тутилган.
- Туркияning «Астон» корхонаси билан ташкил қилинган қуввати 3020 тонна ип ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Аснамтекстиль» қўшма корхонаси (войиҳанинг қиймати 40,4 млн немис маркаси) ҳамда 4000 тонна тараалган ип ишлаб чиқара

оладиган, лойиҳа қиймати 43,12 млн немис маркаси бўлган «Папfen» қўшма корхонаси («Текfen» корхонаси билан ҳамкорликда);

- Туркияning «Тимас» ва «ТИМИ» корхоналари билан биргаликда «Косонсой ипак тўқимачилик бирлашмаси» акционерлик жамияти асосида «Косонсой-Текмен» қўшма корхонаси ташкил қилинди (бойиҳаning умумий қиймати 76 млн. АҚШ доллари). Бу республикада тўқимачилик маҳсулотларининг янги номенклатурасини – илгари четдан олиб кирилган газламаларни ишлаб чиқаришга имкон берди.

- Шунингдек, «Бухоротекстиль» акционерлик жамиятида Швейцарияning «Ритер» корхонасининг асбоб – ускуналари билан жиҳозланган ва 1200 тонна ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги ип – йигирив линияси, 1700 тонна ип ишлаб чиқарадиган «Супертекстиль» қўшма корхонаси ишга туширилди, «Наманган текстиль» акционерлик жамиятида 4300 тонна, Чинобод йигирив – тўқув фабрикасида 4000 тонна ип ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналар иш бошлади.

Олиб борилётган бу каби катта ишлар натижасида тўқимачилик саноати маҳсулотларининг экспорт ҳажми «Ўзбекенгиссаноат» ДАК таркибидаги бошқа соҳаларга нисбатан ўзининг салмоқли ўрнига эга бўлмоқда. Буни қўйидаги диаграмма мисолида кўришимиз мумкин. (5 – расм)



5 – расм. «Ўзбекенгилсаноат» ДАК экспортида тўқимачилик саноати маҳсулотларининг улуши\*.

*Манба: «Ўзбекенгилсаноат» ДАК маълумотлари асосида*

Юқоридаги диаграммадан кўриниб турибдикি, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК умумий экспорт ҳажмининг 93,3% тўқимачилик саноати маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келади.

Буни республикамида ушбу соҳани ривожлантириш, экспорт

салоҳиятини ошириш, экспорт маҳсулотлари турларини кўпайтириш бўйича олиб борилаётган амалий ишларнинг самарали натижаси деб изоҳлаш мумкин.

Тўқимачилик саноатининг асосий иқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари ички ва ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотларига аҳамиятнинг қаратилганини, маҳсулот экспортининг ўсиши, хорижий инвестицияларнинг кўпайиши, импорт ўринини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши билан характерланади.

Пахта толасини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган енгил саноат корхоналарини ривожлантиришнинг 2000 – 2005 йилларга мўлжалланган концепциясини амалга ошириш бўйича таҳлил қилганимизда 2005 йилга келиб 2000 йилга нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 2,3 баробар оширишни, пахтали ип (калава) ишлаб чиқаришни 2,6 баробар ошириб, 108,7 минг тоннага етказиш, пахтали дағал газламалар ишлаб чиқаришни 114,9 млн. п.м гача етказиш (2,1 баробар), тайёр маҳсулотларни 10,9 мартаға ошиши кузда тутилган. (1 – жадвал)

1 – жадвал

**Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик  
саноати корхоналарининг экспорт кўрсаткичлари\***

№	Маҳсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	Ҳақиқатда						Кўзда тутилаётган
			2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	
	Жами	млн. АҚШ долл.	120,0	136,1	154,3	213,0	246,0	284,1	2,3
1	шу жумладан: пахтали ип (калава)	минг тн. млн. АҚШ долл.	40,3 82,7	45,9 91,2	61,8 105,4	72,3 133,2	88,7 150,8	108,1 172,3	2,6 2,1
2	Пахтали дағал газламалар	млн. п.м млн. ақш долл.	55,1 34,2	64,0 38,7	70,8 39,8	86,2 56,2	99,5 66,2	114,9 77,9	2,1 2,3
3	тайёр маҳсулотлар	Млн АҚШ долл	3,1	6,2	9,1	23,6	29,0	33,9	10,9

\*Манба: «Ўзбекенгилсаноат» ДАК матълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Юзага келган вазиятларни ва миллий иқтисодиётнинг ушбу секторидаги имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, бизнингча Ўзбекистондаги тўқимачилик корхоналарининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш ва кўзда тутилаётган мақсадларга эришиш учун қуидидаги ишларни амалга ошириш зарурдир:

Яъни:

- Ўзбекистонда бошқа мамлакатлар тажрибасига кўра экспортни қўйлаб – қувватлаш бўйича ихтисослаштирилган Кенгаш таъсис қилиш;

- давлатнинг миллий манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда тўқимачилик корхоналарининг хомашё таъминоти тизимини мувофиқлаштириш;
- тўқимачилик корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолиятидаги энг муҳим йўналишларни шакллантириш, турли ишлаб чиқарувчилар гурухларининг экспорт манфаатларини мувофиқлаштириш;
- экспорт сиёсатини иқтисодиётнинг таркибий – соҳавий ва минтақавий қайта қуриш инновацион фаолият билан боғлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспорт фаолигини рағбатлантириш;

• экспортчи ва импортчиларга миллий валюталарда хизмат кўрсатишни ташкил қилиш учун давлатлараро банкларни ташкил қилиш орқали Ўзбекистон экспорти учун катта ҳажмга эга бўлган мамлакатларнинг (Россия, Хитой, Индонезия ва бошқалар) корхоналари билан ўзаро ҳисоб – китобларини тақомиллаштириш. Бу ассортиментни кенгайтиришга ва ташқи савдо товар айланмасини кенгайтиришга имкон беради;

• хорижда банк – савдо уйларини ташкил қилиш (бу бўйича диссертациянинг бешинчи бобида кенгроқ танишиш мумкин).

Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарининг экспорт стратегияларини амалга ошириш маркетинг фаолиятининг самарадорлигини ошириш заруратини кўзда тутади. Мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчиларнинг мақсади ташқи бозорлардаги экспорт имкониятларини баҳолаш учун таҳлилий усусларнинг салоҳиятни таҳлил қилиш, кучли – заиф жиҳатларни таҳлил қилиш, рақобатчиларни таҳлил қилиш, имкониятлар – рискларни таҳлил қилиш ва шу каби жуда кўп турлари мавжуд.

Диссертация тадқиқотларини олиб бориш жараёнида биз Ўзбекистон тўқимачилик корхоналари экспорт салоҳиятининг маркетинг таҳлилини амалга оширидик. Бу таҳлил ишлаб чиқариш – савдо тузилмалари фаолиятининг барча соҳаларини, жумладан бозор имкониятлари, молия, кадрлар ва бошқаларни ўз ичига олади. Ахборотларни тўплашнинг энг мақбул усули бу йўналишларнинг барчасини тизимили тарзда кўриб чиқишидир. Бунда миқдорий кўрсаткичлар манбаи сифатида иш ҳужжатлари ва статистика маълумотларидан фойдаланиш мумкин. Ишлаб чиқаришнинг ташкилий тизими, маркетинг тадқиқотлари даражаси каби характеристикаларни фақат эксперtlар ўртасида сўров ўtkазиш йўли билангина баҳолардан фойдаландик: ишлаб чиқариш => бизнес иқлим => маҳсулот рақобатбардошлигининг сифат ва миқдорий характеристикалари => маркетинг => хорижий бозорларнинг эгалланган сегментлари (ассортимент ва сифат даражаси) => истиқболли потенциал сотув бозорлари.

Олиб борилган маркетинг таҳлиллари шуни кўрсатдики,

Ўзбекистонда тўқимачилик ишлаб чиқаришининг бугунги ривожланиш даражаси объектив равишда мамлакатдаги тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга дунё пахта толаси ва ип-газлама бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаш имкониятини беради.

Тайёр тўқимачилик маҳсулотларининг (газламалар, матолар, калава ишлар ва бошқалар) ташки мақсадли бозорларини ўзлаштириш, тўқимачилик корхоналари фаолиятида бошқарувнинг маркетинг тизимини жонлантиришни, ишлаб чиқаришни жиддий равишда техник ва технологик модернизациялашни, ўзбек тўқимачилигининг сифатини оширишни, республика худудида хорижий капитал фаолиятини жонлантириш мақсадида иқтисодий тизимни ва хўжалик юритиш шароитларини янада ислоҳотлаштиришни, экспортчи корхоналар учун ҳукуқий режимларни такомиллаштиришни талаб қиласди.

Миллий иқтисодиётни эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни локализациялаш масалалари корхоналар ўртасида рақобат муҳитини кескинлашувига олиб келади.

Шу муносабат билан илмий изланишларимизда ташки бозорда тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини таъминлаш масалалари кенг ўрганилган.

Ўзбекистонда тўқимачилик саноати корхоналари рақобатбардошлигини таъминлаш кўп жиҳатдан уларнинг товар сиёсатини тўғри амалга оширишлари билан боғлиқ. Маркетинг тизимида товар сиёсати фоятда муҳим аҳамиятта эгadir, чунки товарнинг сифати, ассортименти ва ташки кўриниши, маҳсулотнинг рақобатбардошлигига ва корхонанинг бозор шароитларидаги муваффақиятига таъсир қиласди. Товар сиёсатини амалга ошириш бозорга таъсир кўрсатадиган ва муайян амалга ошириладиган бир қатор маркетинг чора-тадбирларидан иборат бўлиб унда корхонанинг ассортимент стратегияси кандай йўналишларда ташкил қилинишини белгилаб олиш жуда ҳам муҳимдир.

Бизнинг фикримизча, тўқимачилик корхонасининг ассортимент стратегияси қўйидаги йўналишларда ташкил қилиниши мумкин:


- тўқимачилик маҳсулотлари (товар) дифференциацияси (корхонанинг ўз маҳсулот ва хизматларини рақобатчиларнинг маҳсулот ва хизматларидан фарқ қилувчи тоифага ажратиши ва улар бўйича алоҳида талаб йўналишини таъминлаши ҳамда бир-бирига боғлиқ бўлмаган товар ва хизматларни катта миқдор ва ҳажмда ишлаб чиқариш;

- товар ихтисослашувининг торлиги (ўз товарининг хусусиятларига кўра ёки ресурслар етишмаслиги сабабли корхонанинг бозордаги тор сегментда иш олиб бориши);

- товарнинг вертикал интеграцияси (бир технологик занжир бўйича ишлаб чиқариш линияларини ўзлаштириш орқали корхонанинг фаолият соҳасини кенгайтириш).

Юқоридаги фикрларга, ҳамда республикамизда фаолият юритаётгани тўқимачилик корхоналарида мавжуд ҳолатларга асосланган ҳода тўқимачилик корхоналарида товар сиёсатини самарали амалга оширишга имкон берувчи тўқимачилик корхонасининг ассортимент стратегиясини аниқлаш вариантини таклиф қиласмиз (6 – расм).

## Горизонтал диверсификация



6 – расм. Тұқимачилик корхонасининг ассортимент стратегиясы

Юқоридаги расмни қуидагиша изохлаймиз: корхона маълум бир хомашёдан, маълум бир технология бўйича бозордаги маълум бир мақсадади Ц1 сегмент учун А1 ассортиментни ишлаб чиқаради. Корхона вертикал дифференциация йўли билан хомашё, технология ва мақсадади сегментни ўзгартирмай туриб, ассортимент позицияларининг (А4) оптимал нисбатига эришиш мақсадида ассортиментнинг тузилмасини (А2, А3) ўзгартиради.

Горизонтал диверсификация мақсадади сегментни, маҳсулотни тайёрлаш технологияларини (С1 ассортимент), хомашёни аста – секин ўзгартириб (янгилашиб) боришини кўзда тутади (бунда ўзгартирилган В1 ассортимент ҳосил бўлади), натижада корхона Ц4 мақсадади сегмент учун мутлақо янги D ассортиментни ишлаб чиқаришга ўтиб олади. Бунда ҳар бир босқичда (В1, С1) вертикал дифференциацияни (мос равишда В2, В3, С2, С3) амалга ошириш мумкин.

Сўнгти пайтларда «Бобур» ОАЖда юқори сифатли калава иплар, хом суруп ва тайёр газламаларни ишлаб чиқариш жадал суръатларда ўзлаштирилмоқда, шунингдек, вертикал товар дифференциацияси ҳам амалга оширилмоқда (бунга бир технологик занжир йигириш – тўқиши занжирни бўйича ишлаб чиқариш кўшилади).

«Бобур» ОАЖга бугунги кунда унинг молиявий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда вертикал товар дифференциациясига риоя қилишни тавсия қилиш мумкин.

Демак, республикадаги тўқимачилик саноати корхоналарининг ҳозирги кундаги вазифаси нафақат янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш, балки ўзларининг молиявий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқаришни диверсификациялашлари яъни мавжуд ассортиментларнинг сифатини ошириш ва модернизациялаш зарурдир. Шундай қилиб, бугунги шароитларда корхоналар асосий эътиборни инновацион сиёсатдан ассортимент сиёсатига қаратмоқлари лозим.

Маркетинг тадқиқотларининг асосий мақсади – тўқимачилик корхонасининг рақобатбардошлиқ даражасини, кучли ва заиф

томонларини аниқлаш, унинг фаолиятини тақомиллаштириш йўлларини топишдан иборат. Корхонанинг ишлаб чиқариш – сотув имкониятларини таҳлил қилиш билан бир пайтда бозорда ўхшаш товарлар билан иш олиб бораётган рақобатчи корхоналарнинг тегишли кўрсаткичлари ҳам баҳоланади.

Бугунги кунда тўқимачилик саноат корхоналарининг рақобатбардошлилигини баҳолашнинг кенг тарқалган: матрица усули ва товарнинг рақобатбардошлилик назариясига ҳамда, самарали рақобат назариясига асосланган усуллари мавжуд. Корхонанинг рақобатбардошлилигига тўлақонли баҳо беришга имкон берадиган усул охирги, самарали рақобат назариясига асосланган усул бўлиб, унга кўра маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, хизмат кўрсатиш, молиявий бошқарув соҳалари яхши ташкил қилинган корхонанинг рақобатбардошлилик даражаси юқори ҳисобланади.

Ушбу усул эксперталарнинг кетма – кеталик таққослаш усули ёрдамида аниқланган рақобатбардошлиникнинг тўртта гуруҳ кўрсаткичлари ёки мезонларига асосланади, яъни;

1. Корхонанинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва уни белгиловчи мезонлар.

2. Корхонанинг молиявий аҳволи ва уни белгиловчи кўрсаткичлар.

3. Маҳсулотни сотишни ташкил қилишнинг самарадорлиги ва уни белгиловчи омиллар.

4. Товарнинг рақобатбардошлиги ва унинг кўрсаткичлари.

Корхонанинг рақобатбардошлилиги қуйидаги формулаларга асосан амалга оширилади.

$$K_{kn} = 0,15 \cdot \mathcal{E}_n + 0,29 \cdot \Phi_n + 0,23 \cdot \mathcal{E}_c + 0,33 \cdot K_t$$

бу ерда:

$K_{kn}$  – корхонанинг рақобатбардошлилик коэффициенти;

$\mathcal{E}_n$  – корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини белгиловчи самарадорлик мезони;

$\Phi_n$  – корхонанинг молиявий аҳволини белгиловчи самарадорлик мезони;

$\mathcal{E}_c$  – товарни сотиш ва бозорда илгари сурини ташкил қилишнинг самарадорлик мезони;

$K_t$  – товарнинг рақобатбардошлилик мезонлари;

0,15; 0,29; 0,23; 0,33 – мезонларнинг салмоқ коэффициентлари.

$$\mathcal{E}_n = 0,31 \cdot I + 0,19 \cdot \Phi + 0,40 \cdot Pt + 0,10 \cdot \Pi,$$

бу ерда,  $I$ ,  $\Phi$ ,  $Pt$ ,  $\Pi$  – нисбий кўрсаткичлар.

$$\Phi_n = 0,29 \cdot Ka + 0,20 \cdot Kn + 0,36 \cdot Cl + 0,15 \cdot Ko,$$

$$\mathcal{E}_c = 0,36 \cdot Pn + 0,29 \cdot Kz + 0,21 \cdot Km + 0,14 \cdot Kr,$$

$$K_t = K / \mathcal{C},$$

Корхонанинг рақобатбардошлилигини аниқлаш уч босқичда амалга оширилади:

1 – босқичда. Рақобатбардошлиникнинг абсолют кўрсаткичлари нисбий катталикларга (балларга) айлантирилади. Бунда таянч кўрсаткич этиб, соҳа бўйича ўртача кўрсаткич, ёки рақобатчининг шу ҳолатлар бўйича кўрсаткичи асос қилиб олинади. Бу ерда 15 баллик шкала таъланган. Агар кўрсаткич таянч кўрсаткичдан паст бўлса 5 балл, агар таянч кўрсаткич даражасида бўлса 10 балл ва ундан юқори бўлса 15 балл белгиланади (2 – жадвал).

«Бобур» номидаги Аңдижон ип – газлама ишлаб чиқариш  
ОАЖ түқимачилик корхонасининг 2003 ва 2004 йиллардаги рақобатбардошлиқ  
мезонлари ва кўрсаткичлари

Рақобатбардошлиқ мезонлари ва кўрсаткичлари	Белгиси	2003 й.	2004 й.	Балл
<b>1. Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлиги</b>				
1.1. Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ишлаб чиқариш харажатлари), сўм	И	0,996	0,998	5
1.2. Фонд қайтими, сўм	Ф	0,564	1,066	15
1.3. Товарнинг рентабеллиги, %	Рт	0,18	1,26	15
1.4. Меҳнат унумдорлиги, минг сўм/киши	П	67,52	77,04	15
<b>2. Корхонанинг молиявий аҳволи</b>				
2.1. Автономия коэффициенти	Ка	0,905	0,877	5
2.2. Тўлов лаёқати коэффициенти	Кп	0,97	1,135	15
2.3. Абсолют ликвидлик коэффициенти	Кл	0,0412	0,08	15
2.4. Айланма воситаларнинг айланувчанлик коэффициенти	Ко	2,86	2,84	5
<b>3. Товарни сотиш ва илгари суришин ташкил қилишнинг самарадорлиги</b>				
3.1. Савдонинг рентабеллиги, %	Рп	0,18	1,27	15
3.2. Тайёр маҳсулотнинг омборда туриб қолиш коэффициенти	Кз	0,045	0,047	5
3.3. Ишлаб чиқариш қувватларининг юкланиш коэффициенти	Км	0,91	0,85	5
3.4. Самарафорлик ва сотувни рағбатлантириш воситалари коэффициенти	Кр	1,68	0,39	15
<b>4. Товарнинг рақобатбардошлиғи</b>				
4.1. Товарнинг сифати	К	10,6	10,6	10
4.2. Товарнинг нархи	Ц	30870,0	33878,1	—

**2 – босқичда.** Корхонанинг рақобатбардошлиқ мезонлари ҳисобланади.

**3 – босқичда.** Корхонанинг рақобатбардошлиқ коэффициенти эса юқорида келтирилган формула бўйича ҳисобланади.

Корхонанинг рақобатбардошлиқ коэффициенти юқоридаги формула ёрдамида биринчи ва иккинчи босқичларда олинган натижалар ёрдами билан ҳисобланади.

$$K_{kn}=0,15*11,9+0,29*10,6+0,23*10,15+0,33*9,1=1,785+3,074+2,335+3,003=10,2$$

Ушбу методикада түқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлиқ кўрсаткичининг  $K_{kn}$  максимал қиймати 15 баллга етиши мумкинлиги кўзда тутилди. Агар рақобатбардошлиқ мутлақо ўзгармаса, кўрсаткичининг қиймати 10 баллга тенг бўлади. Бизнинг таҳлилимиз бўйича  $K_{kn}=10$  бўлиб, бу «Бобур» ОАЖда 2004 йилда рақобатбардошлиқнинг 2003 йилга нисбатан бироз ўсганлигини кўрсатади.


2004 йилда рақобатбардошлиқнинг ошишига сабаб бўлган оминалар қўйидагилардан, яъни: фонд қайтими, товарнинг рентабеллиги, меҳнат унумдорлиги, тўлов қобилияти ва абсолют ликвидлик коэффициентлари,

савдо рентабеллиги, реклама ва савдони рағбатлантириш воситаларининг самарадорлиги сезиларли даражада ўсганлигидан иборатдир.

*Салбий таъсир кўрсатган омиллар* эса қуидагилардан, яъни: маҳсулот бирлигига сарфланган ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши, автономия (мустақиллик) коэффициентлари, айланма воситаларининг айланувчалиги ва ишлаб чиқариш кувватларининг бандлик кўрсаткичи камайди, тайёр маҳсулотнинг тўпланиб қолиш коэффициенти ва илларнинг нархи ошганлигидан иборат бўлди.

Ушбу методика корхонанинг рақобатбардошлигини ўзгартиришига қандай омиллар таъсир қилганинги аниқлаб беради ва у бошқарув аппарати учун айрим хизматлар ва бўлимлар ишини яхшилашга зарур бўлган бошқарув қарорларини қабул қилишида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда тўқимачилик корхоналарининг стратегик миссиясини ишлаб чиқиш ҳам биринчи даражада аҳамиятта эгадир. Қуидаги расмда тўқимачилик корхонасини ривожлантириш стратегиясининг биз ишлаб чиқсан тузилиш варианти кўрсатилган бўлиб, у мақсадли бошқарув усулидан фойдаланишга асосланган (7 – расм).



7 – расм. Тўқимачилик корхоналарини ривожлантириш стратегиясининг тузилиши.


Бу ерда келтирилган (корхона раҳбарияти томонидан белгиланган) мақсадлар айни пайтда ҳам умумий кўрсатмалар ва чеклашлар вазифасини ўтайди, бу чеклашларни корхонанинг стратегик мақсадини аниқлашда ҳисобга олиш лозим.

Шу муносабат билан тўқимачилик саноатининг тараққиётида қайта ишлаб чиқариш инқирозлари, рентабелликнинг пасайиши, маҳсулотнинг кўп

материал талаб қилиши ва шу каби бир қатор қардама – қарши тенденциялар вужудга келмоқда. Бу эса охир – оқибатда миллый иқтисодиётнинг ушбу секторида фаолият самарадорлигининг пастлашига сабаб бўлмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил қилишини янада такомиллаштириш бўйича варианtlар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бизнинг фикримизча бугунги кунда тўқимачилик саноати корхоналарининг хўжалик – молиявий тизимидағи вужудга келган бундай салбий оқибатларни самарали ҳал қилишининг асосий йўлларидан бири ички ресурслардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишидир.

Шу муносабат билан биз ўз тадқиқот ишламида «Бобур» номидаги Андижон ип – газлама ишлаб чиқариш ОАЖ мисолида ички ресурслардан самарали фойдаланишнинг интеграл кўрсаткичларини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқдик. Бунда асосан корхонанинг меҳнат унумдорлиги, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, фонд қайтими, айланма капитал тезлиги, улардан фойдаланиш коэффициентларини ҳисоблаш формулалари асос қилиб олинган ва улар қуйидаги 8 – расмда келтирилган кетма – кетлиқда ҳисобланиб чиқлади.



8 – расм. Тўқимачилик корхоналарида ички ресурслардан самарали фойдаланишнинг интеграл кўрсаткичларини ҳисоблаш методикаси


Олинган натижаларни охирги (7) формула бўйича ҳисоблаб, корхонанинг ички ресурсларидан самарали ёки самарасиз фойдаланаётганлиги аниқланади. Ҳисоблаш асосида олинган натижага бирдан қанча катта бўлса, демак корхона ички ресурслардан шунчак фоиз миқдорда самарали фойдаланаётгандан далолат беради.

Ушбу методикани «Бобур» номидаги Андижон ип – газлама ишлаб чиқарип ОАЖ нинг икки йиллик маълумотлари асосида таҳлил қилиб кўрганимизда шуни гувоҳи бўлдикки, агар корхонада мавжуд бўйлан ишлаб чиқариш қувватларидан, ишчи кучидан самарали фойдаланганларида, корхонанинг умумий салоҳияти 20 – 30%га ортиши муминлиги аниқланди.

Шундай қилиб, маркетингни бошқариш – мақсадли харидорлар билан фойдали айирбошлишларни ўрнатиш, мустаҳкамлаш ва қўллаб – қувватлашга мўлжалланган чора – тадбирларни таҳлил қилиш, режалаптириш, ҳаётта татбиқ қилиш ва амалга оширилишини назорат қилиб бориш жараёни бўйлиб, бундан кўзланган мақсад – ташкилотнинг даромад олиш, савдо ҳажмини ошириш, бозор улушини кўпайтириш ва шу каби бошқа вазифаларга эришишдир.

Амалиётдан маълум бўлишича, Ўзбекистон тўқимачилик саноатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар истеъмолчиларнинг, айнича хорижий бозорлардаги истеъмолчиларнинг талабига тўла жавоб бермаятти. Бунга асосий сабаб: ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари сифатининг пастлиги, мақсадга йўналтирилган ассортимент сиёсатининг йўқлити, тўқимачилик маҳсулотлари бозори контъюнктурасини ҳамда ривожланиш йўналишларининг етарлича даражада ўрганилмаганлиги ва ҳ.к.лардир.

Ўзбекистонда тўқимачилик ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг диққат марказида турган энг асосий масала пахтани асосли қайта ишлаш йўли билан кўшимча қиймат ҳосил қилиш ва тайёр маҳсулотлар экспортини шаклантиришдир. Бу борадаги олиб борган тадқиқотларимиз натижалари куйидаги чизмада келтирилган (9 – расм).



9 – расм. Пахта хомашёсини мақсадли қайта ишлаш асосида қўшилган қиймат ортирасининг ҳосил бўлиши

Бу чизмада  $\Delta BV_{a_1}, \Delta BV_{a_2}, \Delta BV_{a_3}$  лар бу маҳсулот экспорт қилинадиган бозор ҳажмининг катталиги  $\Delta MX_{b_1}, \Delta MX_{b_2}, \Delta MX_{b_3}$  лар эса экспортни амала ошириш учун қилинаётган маркетинг харажатлари катталиги. Демак ушбу чизмадан хулоса қилиш мумкинки, биз маҳсулотни қанчалик чуқур қайта ишлаб тайёр маҳсулот ҳолатида экспорт қилмоқчи бўлсак, бозорга кириб бориш шунчалик қийинлашиб

ва натижада экспорт маркетинги ҳаражатлари шунчалик даражада ортиб боради.

Яъни:

$$1) \Delta BVa_1 > MX_{B1}; 2) \Delta BVa_2 \geq \Delta MX_{B2}; 3) BVa_3 < \Delta MX_{B3} \text{ га}$$

Бу ерда:

$\Delta$  – бозор ҳажмининг ёки маркетинг ҳаражатларининг меъерий тарзда ортиши (ўсиши);

$\Delta$  – бозор ҳажмининг ёки маркетинг ҳаражатларининг катта миқдордаги ортиши (ўсиши);

Юқорида аниқлаб олинган тенгламага асосан бутунги кунда ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган экспортта йўналтирилган стратегияни мувафақиятли амалга ошишида бизнинг фикримизча асосий эътиборни экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашта ва экспорт маркетингини ривожлантиришга қаратишимиш лозим.

Самарадорлик – олинган натижаларни ҳаражатлар қийматига нисбати сифатида аниқланиши қондасига асосланган ҳолда тўхимачилик маҳсулотларини экспорт учун ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш методикасини таклиф қиласиз.

Яъни:

$$C_{\text{э.и/ч}} = \frac{BTx}{[T_{\text{эм.1}} + ЭМХ + TX] - ККС + ЭБ} \quad (1)$$

Бу ерда:  $BTx$  – ҳақиқатдаги валюта тушуми, МБ курси бўйича, сўм;

$T_{\text{эм.1}}$  – бир бирлик экспорт маҳсулоти таннаххи, сўм;

$ЭМХ$  – экспорт маркетинги ҳаражатлари;

$TX$  – транспорт ҳаражатлари (CIF, FOB);

$ККС$  – қўшилган қиймат солиги;

$ЭБ$  – экспорт божлари.

Аввал таъкидлаб ўтганимиздек, самарадорлик натижалар қийматининг ҳаражатлар қийматига нисбати сифатида аниқланади. Буни экспорт маркетингининг самарадорлигини аниқлашда ҳисобга олиш зарур, чунки унинг асосий мақсади ташки тозорларда чет эллик истеъмолчиларнинг талабларини қондира оладиган юқори сифатли маҳсулотни сотиш орқали мумкин бўлган максимал валюта тушумини таъминлашдан иборат.

Шу муносабат билан экспорт маркетингининг самарадорлигига маркетинг фаолиятини амалга ошириш ҳаражатларининг самарадорлиги деб таъриф бериш мумкин. Бунинг учун функционал – қиймат таҳлил усулидан фойдаланиш мақсадига мувофиқdir, унинг универсал характери обьектининг ҳаражатларини бирор бир муайян шаклда эмас, балки экспорт маркетинги комплекси таркибига кирувчи функциялар мажмууси деб қарашга имкон беради. Бунда тизимли ёндашувдан, яъни функцияларнинг аҳамияти ҳамда уларни амалга ошириш ҳаражатларининг мутаносиблиги тамойилидан фойдаланиш лозим. Бу тамойил хорижий бозорларда экспорт фаолиятини ташкил қилиш жараёнида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган функционал – зарурий ҳаражатларни аниқлашга имкон беради.

Бундай экспорт маркетинги ҳаражатларининг самарадорлик даражасини (1) формуладан келиб чиқсан ҳолда биз томонимиздан таклиф этилаёттан қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқиши мумкин:

$$C_{\text{змк}} = \frac{\sum_{i=1}^n (\Phi_1 + \Phi_2 + \Phi_3 + \Phi_4 + \Phi_5 + \Phi_6 + \Phi_7 + \Phi_8 + \dots + \Phi_n)}{\sum_{j=1}^m (X_1 + X_2 + X_3 + X_4 + X_5 + X_6 + X_7 + X_8 + \dots + X_m)} \quad (2)$$

Бунда:

$\Phi_1$  – товар ҳаракатини такомиллаштириш ҳисобига олинган фойда;

$\Phi_2$  – таваккалчиликларни бартараф қилиш ҳисобига олинган фойда;

$\Phi_3$  – тўғри нарх сиёсатини ўтказиш ҳисобига олинган фойда;

$\Phi_4$  – савдонинг ташкил этилишини такомиллаштириш ҳисобига олинган фойда;

$\Phi_5$  – ассортимент стратегиясини такомиллаштириш ҳисобига олинган фойда;

$\Phi_6$  – маҳсулот дизайнини яхшилаш ва хизмат кўрсатиш ҳисобига олинган фойда;

$\Phi_7$  – реклама ҳисобига олинган фойда;

$\Phi_8$  – ахборотлар логистика тизимини ташкил қилишдан олинган фойда;

$X_1, X_2, X_3, X_4, \dots, X_m$  – тегишли маркетинг тадбирларининг ўтказилиши учун харажатлар.

Умумий кўринишда тўқимачилик маҳсулотлари экспортида маркетинг самараодорлиги қўйдагича кўринишдаги формула орқали аниқданиши мумкин:

$$C_{\text{змк}} = \frac{\sum_{i=1}^m (\Phi_i)}{\sum_{j=1}^n (X_j)} \quad (3)$$

Ушбу методика статистик усуllibардан фойдаланишга асосланган бўлиб, бошقا турдаги муайян харажатларининг самараодорлигини аниқлаш учун ҳам кўлланилиши мумкин.

Умуман олганда, тўқимачилик маҳсулотлари экспорти бўйича маркетинг тадбирларининг амалий якунини баҳолаш анча мураккаб ишdir, чунки тўқимачилик маҳсулотлари савдосининг ўсишидан олинган самара миқдорини айнан маркетинг тадбирларини ўтказиш ҳисобига олингандигини аниқлаш юят мураккаб ва мунозаралидир. Шунинг учун ҳам қандай соҳада бўлишидан қатъий назар маркетинг самараодорлиги башорат характерга эгаdir деган хуоса қилиш мумкин.

Шундай қилиб, тўқимачилик саноатида тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда маркетинг доир харажатлар анча кўпайди. Бироқ харажатларининг бундай кўпайиши умумий ишлаб чиқариш – сотиш харажатларининг ўсишига олиб келсада, бу бугунги кунда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти самараодорлигини оширишда зарурdir.

Диссертацияда экспортни ташкил қилишининг замонавий шакллари хусусан, банк – савдо уйлари, ташкил бозорларда расмий ва норасмий альянслар (иттифоқлар) ташкил қилиш таклиф қилинган бўлиб, улар бугунги кунда Ўзбекистон тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда мухим аҳамият касб этади.

## ХУЛОСА

Тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш муаммолари борасида олиб борилган тадқиқотлар қўйидаги хулоса ва таклифларни ифодалаш имконини берди:

1. Маркерингнинг назарий асосларини ўрганиш борасидаги тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, олимлар томонидан «маркетинг концепцияси»га берилган таърифлар ва маркетингнинг турли йўналишлардаги концепциялари умуман олганда анча шакллантирилгандир. Лекин буларда маълум чегаранишлар ҳам мавжуд. Бизнинг фикримизча, замонавий ишлаб чиқаришда маркетинг концепциясининг асосий вазифаларидан бири «Биснеснинг ижтимоий маъсуллита» концепциясида илгари сурилган ғояларга яни ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган бўлиши керак. Бу масала таърифларда ўз ифодасини топмаган. Шунингдек, бу таърифларда корхоналар ички ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари эътибордан четда қолган. Чунки, бизга маълумки, муомала ҳаражатларининг камайиши муайян турдаги маҳсулотта бўлган нарҳнинг пасайишини натижада эса талабнинг шаклманишини ва савдо ҳажмининг ўсисини таъминловчи асосий омил ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий стратегиясининг бутунги босқичдаги энг муҳим йўналиши юксак даражада қайта ишланган маҳсулотлар ҳисобига экспорт самарадорлигини оширишдир. Бизнингча, бу нутқати назардан республикада замонавий технологиялар асосида, хорижий бозорларга мўлжалланган ва сарфланган ижтимоий меҳнат бирлигига тўғри келадиган энг катта валюта тушумини олишга имкон берадиган ишлаб чиқаришни ташкил қилиш зарурдир.

Ўзбекистонда юқори сифатли калава ип, пахтали матони экспорт қилишни ривожлантириш тенденцияси ўзини XXI асрда тўлақонли намоён қила олиши мумкин бўлиб, у ташки кучларнинг ўзгаришига (рақобатчиларнинг пайдо бўлиши, жаҳон пахта толаси ва тўқимачилик ва тайёр маҳсулотлар бозоридағи конъюнктура тебранишлари кабиларга) ҳамда миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг сиёсий ва ижтимоий шароитларига (эркинлаштириш, глобаллаштириш ва ҳоказо) боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, тўқимачилик саноатини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда тўқимачилик саноатининг экспорт салоҳиятини, маркетинг стратегиясининг шаклланганлик даражасини, миллий ва халқаро миёсдаги иқтисодий, сиёсий, демографик ва ижтимоий омилларни биринчи нафбатда ҳисобга олиш зарурдир.

3. Ўзбекистонда енгил ва тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг 2000 – 2005 йилларга мўлжалланган йўналишларини амала ошириш бўйича датур ишлаб чиқилган бўлиб, унда қўйидаги асосий вазифалар белгилаб берилган:

• Ўзбекистонда тўқимачилик саноати корхоналарини қайта қуришни рағбатлантириш ва республикага кўшимча инвестициялар жалб қилиш;

• 1,4 млрд. АҚШ доллари миқдоридағи капитал кўйилмаларга асос солиш – республикада тўқимачилик машинасозлигини ривожлантириш учун замин ҳозирлаш, чунки 2005 йилга келиб эҳтиёт қисмлар ва деталларга бўлган йиллик эҳтиёж 200 млн. АҚШ долларини ташкил қилиши мумкин;

- жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулот чиқаришда тўқимачилик саноатининг бўёқлар, синтетик толалар ва бошқа ёрдамчи материалларга бўлган эҳтиёжларини республикада кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришини ортириш ҳисобига қондириш;

- тўқимачилик саноати ривожланишини тикув ва трикотаж саноатидаги ўзгаришларнинг асосий босқичларидан бирита айлантириш; натижада қоракўчлилик, моделлаш, фурнитура ишлаб чиқариш каби қуий тармоқларнинг ривожланишига асос яратиш;

- Ўзбекистон ўзининг географик жойлашувидан келиб чиқсан ҳолда МДҲ мамлакатлари бозорларида тўқимачилик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича етакчи ўриниларни эгаллашига эришиш.

Бизнинг фикримизча, дастурда белгилаб берилган вазифалар билан чекланиб қолмаслик керак. Юзага келган вазиятларни ва миllий иқтисодиётнинг ушбу секторидаги имкониятларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистондаги тўқимачилик корхоналарининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтиришга қаратилган бир қатор чора – тадбирларни амалга ошириш зарурдир. Ушбу чора – тадбирлар куйидагилардан иборат:

- Ўзбекистонда бошқа мамлакатлардагиdek экспортни қўллаб – қувватлаш кенгашини (масалан, АҚШда) таъсис қилиш; бу кенгаш иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича маҳкамаларо кенгашининг бир қисми бўлади, унинг фаолият доирасига корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги энг муҳим йўналишларни шакллантириш, турии ишлаб чиқарувчilar гурӯҳларининг экспорт манфаатларини мувофиқлаштириш, экспорт сиёсатини тармоқдаги таркибий ва минтақавий иқтисодий қайта қуриш билан боғлани ҳамда кичик бизнеснинг экспорт фаолиятини рағбатлантириш каби масалалар киради;

- Экспортни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш тизимини такомиллаштириш – бу борада экспортнинг анъанавий турларидан тушган даромадларни янги технологиялар ва янги бозорларни эгаллашга қаратилган инвестицияларга айлантириш механизмини ишлаб чиқиш;

- Ҳозирги даврда тўқимачилик маҳсулотлари сифатини баҳолаш тизими ўзини оқламаяпти. Республика корхоналарининг салоҳиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни ташқи бозорларда сотиш учун уларни стандартлаштириш ва ҳалқаро мезонлар асосида сертификатлаш талаб қилинади.. Шу муносабат билан муайян тўқимачилик маҳсулотлари турларини сертификатлаш ишларини амалга ошириш тартибини белгиловчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, бунда ҳалқаро сертификатлаш тизимлари ва битимларини ҳисобга олиш, маҳсулотни сертификатлаш бўйича ҳалқаро тизимларда иштирок этиш керак бўлади.

- Республикада ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиши уларни жаҳон стандартларига жавоб берувчи юксак сифат даражада бўлишини таъминлашдан ташқари, маркетингта, reklamaga, маслаҳат, ахборот ва ҳуқуқий хизматларга ҳам катта миқдордаги маблағлар сарфланиши талаб қиласди. Ўзбекистондаги энг йирик тўқимачилик маҳсулотлари экспортчилари ҳам якка ҳолда бундай маблағларни сарфлаши қийиндир. Бунда, айниқса индустрiali мамлакатларининг рақобат даражаси юқори бўлган бозорларга хизмат кўрсатувчи савдо ташкилотлари билан ҳамкорлиқда иш юритиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, йирик ва

ишенчли халқаро маслаҳат фирмалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва ҳатто уларни экспорт фондлари тузилмасига киритиш ҳам ижобий натижалар бериси мумкин.

• Республикадаги корхоналарнинг Ўзбекистон экспорти учун катта сифимли бозорга эга бўлган мамлакатлардаги (Россия, Хитой, Индонезия ва доказо) корхона ва фирмалар билан ўзаро ҳисоб – китобларини такомиллаштириш, бунинг учун паритет асосида экспортчи ва импортчиларга миллий валюталарда хизмат кўрсатадиган давлатлараро банклар таъсис қилиш; бунинг натижасида ташқи савдонинг ассортименти ва товар айланмаси анча кенгаяди;

• Хорижда банк – савдо уйларини ташкил қилиш (бу бўйича диссертациянинг бешинчи бобида кенгроқ танишиш мумкин).

4. Ўзбекистонда тўқимачилик саноатининг экспорт имкониятларини ривожлантириш учун улкан геостратегик имкониятлар мавжуд. Лекин соҳада экспортта йўналтирилган маркетинг стратегиясининг яхши шаклланмаганлиги ва экспорт салоҳиятини баҳолашдаги аниқ вазифаларни белгилаб олинмаганлиги тўқимачилик саноати экспорт географиясининг кенгайишига, ички ва ташқи бозорларда рақобат устуниларига эришишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ушбу йўналишда олиб борган тадқиқотларимиз натижасида, биз тўқимачилик саноатида маркетинг стратегиясини шакллантириш вариантини ва маркетинг стратегичси моделини ишлаб чиқдик.

Бу модел тўқимачилик саноатининг асосий стратегик мақсади, оралиқ мақсади ва пираворд мақсадлари қандай ва бу мақсадларга эришиш учун нима ишларни амалга ошириш кераклиги йўлларини белгилаб беради.

5. Тадқиқот ишимида тўқимачилик корхоналарининг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини таъминлаш стратегиясининг варианти асослаб берилган бўлиб унда корхонада товар ассортиментини вертикал дифференциациялаш стратегияси асосида илгари суриш таклиф қилинган. Чунки бу стратегия тадқиқотларини олиб бориш, янги технологияни жорий қилиш, янги хомашё турларини синааб кўриш учун катта пул маблағларини сарфлашни талаб қилмайди ва хўжалик юритишининг бозор шароитларида муваффақиятли фаолият кўрсатишга имкон беради;

6. Ташқи иқтисодий алоқаларни либераллаштириш шароитида экспорт маркетинги вазифаларини самарали ҳал қилиш нафақат экспортчининг манфаатларини, балки унинг ўз мамлакати, тармоги ва ташкилотининг узоқ муддатта мўлжалланган ташқи иқтисодий фаолият мақсадларини ҳам ҳисобга олишини кўзда тутади. Бу эса республикамиз тўқимачилик корхоналарида экспорт маркетинги дастурини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

Бизнинг фикримизча ушбу дастурда Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарининг экспорт фаолиятига оид бўлган қуйидаги масалалар акс эттирилиши лозим:

- экспортчининг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги мақсадлари;
- экспорт фаолиятининг (товар, нарх ва сотув стратегиялари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги) энг истиқболли йўналишлари бўйича муайян вазифалари;
- қўйилган мақсадларга эришиш учун восита ва усулларни танлаш;
- экспортчининг ташқи савдо стратегияси ва тактикаси;

• тұқымачилик соҳасидаги экспорт маркетингини ташкил қилишнинг истиқбөлли шакллари.

Дастурнинг ҳар бир йұналиши ўз–ўзича мұхим бўлсада, улар айнан биргалиқда ва ўзаро боғлиқлиқда харакат қилинсагина муваффақиятли экспорт фаолияти учун зарур шароитларни таъминлай олади.

7. Тұқымачилик ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарылишининг кескин равишдаги интернационаллашуви шароитида, ҳар қандай тұқымачилик корхонасининг иқтисодий інтигірімнің маркетингінде қилинадиган харажатлар самарасига боғлиқдір. Шу жиҳатдан диссертацияда тұқымачилик маҳсулотлари экспорті маркетинг харажатлари самарадорлигини аниқлаш методикаси таклиф қылған бўлиб, унинг асосида маркетинг тадбирларининг амалий якунини баҳолаш анча мураккаб иш эканалитиги англаш мумкиндір. Чунки тұқымачилик маҳсулотлари савдо-сатында маркетинг тадбирларининг аниқлаш ғоят мураккаб ва мунозаралидір. Шунинг учун ҳам қандай соҳада бўлишидан қаттый назар маркетинг самарадорлиги башпорат характерга эгадир деган холоса қилиш мүмкін. Тұқымачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш – сотиш фаолиятлари самарадорлигини оширишда маркетингта доир харажатлар анча кўпаяди. Бироқ харажатларининг бундай кўпайиши умумий ишлаб чиқариш – сотиш харажатларининг ўсишига олиб келсада, бу бутунги кунда тұқымачилик маҳсулотлари экспорти самарадорлигини оширишда жуда ҳам зарурдір.

8. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, корхоналарининг хорижий тұқымачилик бозорларидаги нуфузи кўп жиҳатдан ишлаб чиқарылаётган маҳсулотнинг сифати, нархи ва хизмат кўрсатиш усусларига боғлиқ бўлиб, буларнинг асосида корхонада ички ресурсларидан самарали фойдаланиш зарурати ётади. Шунга аосан тұқымачилик корхоналарыда стратегик маркетинг босқичида ички ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаб олишимиз, улардан қай даражада фойдаланилаёттанилигини билишимиз зарур. Шуларни ҳисобга олган ҳолда биз илмий ишда тұқымачик корхоналарининг ички ресурсларидан самарали фойдаланишнинг интеграл кўрсаткичларини ҳисоблаш методикасینи таклиф қылдик.

9. Тұқымачилик ва тайёр маҳсулотлар бозоридаги кескин рақобат шароитида мақсадли бозорларни эгаллаш жуда мураккаб масаладір. Тадқиқотларимиз натижаларига кўра мамлакатимиздаги тұқымачилик корхоналарини ўзлаштириши билан боғлиқ таваккалчылық даражаси жуда юқори бўлган хорижий (узоқда жойлашган) бозорларни эгаллашга тайёр эмасликлари маълум бўлди. Бундай муаммонинг ҳал қилинишида, бизнингча, банк – савдо уйларини ташкил қылиш ва натижада банкларнинг ташкил савдо битимларини амалга оширишда фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқдір. Иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган кўпигина мамлакатларнинг тажрибасидан маълумки, йирик молиявий ташкиллар билан ташкил савдо корхоналари ўргасида савдо уйлари шаклидаги яқиндан муносабатлар ўрнатиш жуда яхши натижалар берган.

Юқоридаги холосаларни умумлаштириб шуни таъкидлаш мүмкінки, тұқымачилик саноати корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш ва ташкил савдо бозордаги рақобатбардошлигини таъминлаш кўп жиҳатдан маркетинг стратегиясынинг тұғры ишлаб чиқылганлиги билан боғлиқдір. Шу нұктан назардан юқорида көлтирилган холоса ва таклифлардан мақсадли фойдаланиш

тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

## ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ

### I. Китоб ва туркум нашрлар

- Болтабаев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси Монография. – Тошкент «Фан» 2004. – 211 бет.
- Болтабаев М.Р. Стратегик менежмент. Ўқув қўлланма. – Тошкент, ТДИУ 2003. – 103 бет (ҳаммуаллифликда).

### II. Журналлардаги мақолалар

- Болтабаев М.Р. Предпринимательство: вопросов больше, чем ответов. // Ж. Экономика и статистика, 1994. – №4 (7). – Б. 12–14 (ҳаммуаллифликда).
- Болтабаев М.Р. Корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятида маркетинг. // Ж. Солиқ тўловчининг журнали, 1998. – №1. – Б. 42,43 (ҳаммуаллифликда).
- Болтабаев М.Р. Халқаро пакта бизнесида. // Ж. Солиқ тўловчининг журнали, 1998. – №2. – Б. 45,46.
- Болтабаев М.Р. Стратегия экспортного маркетинга текстильных предприятий Республики Узбекистан. // Ж. Экономика и класс собственников 2002. – №4. – Б. 40–42 (ҳаммуаллифликда).
- Болтабаев М.Р. Енгил саноатда маркетинг стратегиясини шакллантириш ва ривожлантириш. // Ж. Иқтисодиёт ва таълим 2003. – №1. – Б. 69–73.
- Болтабаев М.Р. Концепция формирования конкурентоспособного потенциала предприятия // Ж. Экономика и класс собственников. 2003. – №2. – Б. 39–41 (ҳаммуаллифликда).
- Болтабаев М.Р. Развитие экспортного потенциала текстильной промышленности. // Ж. Экономический вестник Узбекистана. 2003. – №3. – Б. 20–21.
- Болтабаев М.Р. Concept of creating the competitive potential of enterprise // MARCO POLO Magazine Acque And Terre 3/2003 Italia, 24–27 бетлар (ҳаммуаллифликда).
- Болтабаев М.Р. Ўзбекистон тўқимачилик саноатига хорижий инвестицияларни жалб қилишининг назарий жиҳатлари. // Ж. Иқтисодиёт ва таълим. 2004. – №1. – Б. 47–52 (ҳаммуаллифликда).
- Болтабаев М.Р. Теоретические аспекты привлечения иностранных инвестиций в текстильную промышленность Узбекистана. // Ж. Экономика и финансы 2004.– №3 (54) февраль Россия, – Б. 89–90 (ҳаммуаллифликда).
- Болтабаев М.Р. Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш йўллари. // Ж. Иқтисодиёт ва таълим. 2004. – №3. – Б. 45–48.
- Болтабаев М.Р. Тўқимачилик саноати истиқболлари. // Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.. 2004. – №11. – 11 бет.

13. Болтабаев М.Р. Маркетинг хизмати. // Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2004. – №12. – Б. 8 – 9.
14. Болтабаев М.Р. Конкурентоспособность плюс экспортный потенциал. // Ж. Налогоплательщик. 2004. – Декабрь №2. – Б. 14 – 16.
15. Болтабаев М.Р. От торговли сырьем – к торговле готовой продукцией. // Ж. Налогоплательщик. 2004. – Декабрь №3. – Б. 41 – 43.
16. Болтабаев М.Р. Талаб ва таклифни ўрганиш (юзакичиликни кўтармайди, унга илмий ёндашиш зарур). // Ж. Солиқ тўловчи журнали. 2004. – №12. – Б. 51 – 52.
17. Болтабаев М.Р. Корхоналарда экспортни бошқариш тузилмаларини шакллантириш. // Ж. Бозор, пул ва кредит. 2004. – №10. – Б. 57 – 59.
18. Болтабаев М.Р. Хорижда Ўзбек савдо уйларини ташкил этиш. // Ж. Бозор, пул ва кредит. 2004. – №12. – Б. 60 – 62.
19. Болтабаев М.Р. Опыт привлечения иностранных инвестиций в легкую промышленность Узбекистана. // Ж. Вопросы экономических наук. Москва, 2005. – №1 (11). – Б. 21 – 23.
20. Болтабаев М.Р. Процессы глобализации и отечественная экономика. // Ж. Налогоплательщик. 2005. – Февраль №1. – 41 бет.
21. Болтабаев М.Р. Предприятия в условиях глобализации мировой экономики. // Ж. Налогоплательщик. 2005. – Февраль №2. – 32 бет. (ҳаммуаллифиқда).
- III. Симпозиум ва конференция ишлари
22. Болтабаев М.Р. Ташқи иқтисодий фаолиятда экспорт маркетинги. // Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маркетинг: муаммо ва ечимлар: Респ. Илм. амал. анж. матер. 1997 й. (ҳаммуаллифиқда).
23. Болтабаев М.Р. Маркетинг во внешнеэкономической деятельности. // Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маркетинг: муаммо ва ечимлар. Респ. Илм. амал. анж. 1997 й. (ҳаммуаллифиқда).
24. Болтабаев М.Р. Развитие инфраструктура рынка – важное условие углубления экономических реформ в Узбекистане. // Проблемы социальной защиты населения: Тез. док. межд. науч. – практ. конф. 6 ноября 1999. – Ташкент, 44 – 46 б. (ҳаммуаллифиқда).
25. Болтабаев М.Р. Проблемы создания виртуального рынка товаров легкой и текстильной промышленности. // «Применение INTERNET в учебном процессе»: Тез. док. межд. науч. – практ. конф. Москва – Ташкент 2002, 105 – 106 б. (ҳаммуаллифиқда).
26. Болтабаев М.Р. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида логистиканинг зарурлиги. // Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти: ислоҳотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш: Халқ. илм. – амал. анж. маър. тўп. 22 – 23 октябрь 2002 й. 55 – 58 б. (ҳаммуаллифиқда).
27. Болтабаев М.Р. Маркетинговый подход к совершенствованию системы управления предприятием. // XVI меж. Плехановские чтения 26 – апреля: Тез. док. 2003 г. Москва. 285 – 286 б. (ҳаммуаллифиқда).
28. Болтабаев М.Р. Особенности конкурентоспособного потенциала предприятий. «Миллый иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш

муаммолари»: // Илм. –назар. конф. Тошкент – Берлин – Бонн 2003. №2 – 103 б. (ҳаммуалифликда).

29.Болтабаев М.Р. Основные направления структурной перестройки экономики Республики Узбекистан. // XVII меж. Плехановские чтения: Тез. док. проф.–преп. сост. и спец.–прак. 21 апрель 2004. Москва. 8–9 б. (ҳаммуалифликда).

30.Болтабаев М.Р. Сущность экспортного потенциала. // XVII меж. Плехановские чтения: Тез. док. проф.–преп. сост. и спец.–прак. (21 апрель 2004г.) Москва – 2004, 5–6 б. (ҳаммуалифликда).

31.Болтабаев М.Р. Корхона экспорт салохиятининг моҳияти ва уни баҳолаш мезонлари. // Миллий иқтисодиёт соҳаларида ҳалқаро тажрибани ўрганиш ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда татбиқ этиш: Илм. – амал. анж. маър. тўп. –Т., 2004. 140 – 141 б.

32.Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарида маркетинг стратегиясини шакллантириш масалалари. // Минтақа табиий ресурсларидан фойдаланишнинг бозор механизми ва уни такомиллаштириш муаммолари: Илм. амал. анж.. –Т., 2005. 35 – 37 б.

33. Тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг маркетинг таҳлили. // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси корхоналари ва ташкилотларида маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш масалалари: Илм. амал. анж.. –Т., 2005. 29 – 32 б.

*Л. Вене*

Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун Болтабаев Маҳмуджон Рустамовичнинг 08.00.13 – «Маркетинг» ихтисослиги бўйича «Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантириша маркетинг стратегияси» мавзусидаги диссертациясининг  
**ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ**

Таянч (энг муҳим) сўзлар: маркетинг, экспорт маркетинги, трансконтинентал рақобат, товар сиёсати, сегментация, диверсификация, глобализация, маркетинг стратегияси, ишлаб чиқаришнинг интернационаллашуви, маркетинг самарадорлиги, экспорт салоҳияти, ички ва ташки бозор, расмий ва норасмий альянслар, банк – савдо уйлари.

Тадқиқот объекти сифатида «Ўзбекентилсаноат» ДАК таркибига кирувчи тўқимачилик корхоналари фаолияти танлаб олинган.

Ишнинг мақсади: тўқимачилик корхоналарининг экспорт имкониятларини ривожлантиришга қаратилган маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда жаҳон иқтисодиётига интеграцияланishi шароитида Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг ташки бозорлардаги рақобатбардошлигини кучайтириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишидан иборатdir.

Тадқиқот усуслари: тадқиқотда илмий билишнинг қиёсий ва тизимли таҳлил, эксперт баҳолаш усули, функционал қиймат таҳлили усули, директ-костинг усули, маҳсулотта бўлган талаб ва таклифни кузатиш усуслари, математик – статистик усуслар кўлланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: республика тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси модели яратиди; тўқимачилик саноати корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш йўллари асослаб берилди; тўқимачилик саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини баҳолаш усбуи такомиллаштириди; стратегик маркетинг босқичида ресурслардан самарали фойдаланишининг интеграл кўрсаткичларини ҳисоблаш усбуи ишлаб чиқилди; тўқимачилик саноати хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда экспорт маркетинги харажатлари самарадорлигини аниқлаш усбуи ишлаб чиқилди; тўқимачилик саноатида экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш усбуи ишлаб чиқилган;

Амалий аҳамияти: республикамиз тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантириша маркетинг стратегиясини шаклантириш бўйича ишлаб чиқилган илмий – назарий тавсиялар ва амалий таклифлар тўқимачилик маҳсулотлари экспорти самарадорлигини оширишга, хомаше ва тайёр маҳсулотлар бозоридаги трансконтинентал рақобат шароитида мувафақиятта эришишга имконият яратади.

Тадбиқ этиши даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертацияда ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлардан бутунги кунда «Бобур» номидаги Андижон ип газлама ишлаб чиқариш очиқ акциядорлик жамияти ( $\#$  353, 22.07.04), «Пойтуғ» калава ип ва хом сурп ишлаб чиқариш очиқ акциядорлик жамияти ( $\#$  170, 26.07.04), Бешариқ туманидаги «Besteks» матьсулияти чекланган жамият шаклидаги (Ўзбекистон – Германия – Туркия) қўшма корхонаси ( $\#$  160, 15.10.2004.) амалий фаолиятида фойдаланилмоқда.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: тадқиқот натижаларида тўқимачилик саноати корхоналарида ва бошқа саноат корхоналарида фойдаланиш мумкин.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Болтабаева Махмуджона Рустамовича на тему “Маркетинговая стратегия развития экспортного потенциала текстильной промышленности Республики Узбекистан”, представленной на соискание учёной степени доктора экономических наук по специальности 08.00.13 - “Маркетинг”

**Ключевые (необходимые) слова.** Маркетинг, маркетинг экспорта, эффективность маркетинга, маркетинговая стратегия, экспортный потенциал, трансконтинентальная конкуренция, товарная политика, сегментация, диверсификация, глобализация, интернационализация производства внутренний и внешний рынок, формальные и неформальные альянсы, банко-торговые дома.

**Объектом исследования** послужили текстильные предприятия, входящие в состав ГАК “Узбекенгилсаноат”.

Целью работы является разработка научно обоснованных предложений и рекомендаций по выработке маркетинговой стратегии развития конкурентоспособности текстильных предприятий на внешнем рынке и созданию экспортного потенциала текстильной промышленности Узбекистана в условиях интеграции в мировое экономическое пространство.

**Методы исследования:** использованы методы сопоставительного и системного анализа, экспертной оценки, функционально-стоимостного анализа, оценки спроса и предложения на товар, математико-статический и директ-костинг методы.

**Полученные результаты и их новизна:** в диссертации разработана модель маркетинговой стратегии развития экспортных возможностей текстильной промышленности республики; обоснованы направления повышения экспортного потенциала предприятий текстильной промышленности; усовершенствован метод оценки конкурентоспособности предприятий текстильной промышленности; разработан метод расчета интегральных показателей эффективного использования ресурсов на этапе стратегического маркетинга; разработан метод определения эффективности затрат экспортного маркетинга с учетом особенностей текстильной промышленности; разработан метод определения эффективности производства экспортной продукции в текстильной промышленности.

**Практическая значимость:** теоретические предложения и практические рекомендации по развитию маркетинговой стратегии экспортного потенциала текстильной промышленности позволит эффективному экспорту текстильных производств а также способствует успеху на рынке сырья и готовой продукции в условиях трансконтинентальной конкуренции.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** разработанные в диссертации выводы и предложения в настоящее время используются в деятельности предприятий Андижанско АО им. “Бобур” по производству пряжи и ткани (№ 353, 28.07.04) и ОАО “Пойтуг” по производству пряжи и бязи (№ 170, 26.07.04 СП “Besteks” в Бешарыкском районе (№ 160, 15.10.04).

**Область (использования) применения:** результаты исследования могут быть использованы на предприятиях текстильной промышленности и других предприятиях промышленного комплекса республики.

## RESUME

of dissertation of Boltabaev Makhmudjon Rustamovich on "Marketing strategy of development of export potential of the textile industry of the Republic of Uzbekistan" submitted on competition for the scientific degree of Doctor of Economic sciences on specialty 08.00.13 - "Marketing"

**Key words:** Marketing, export marketing, marketing efficiency, marketing strategy, export potential, transcontinental competition, commodity policy, segmentation, diversification, globalization, internationalization of production, home and foreign market, formal and informal alliances, bank-trading houses.

**Object of research** is textile enterprises, joined to the State Joint-Stock Company "Uzyengilsanoat".

**Purpose of work** is development of scientifically proved proposals and recommendations on working out of marketing strategy of improvement of competitiveness of textile enterprises on the foreign market and creation of export potential of the textile industry of Uzbekistan in conditions of integration into global economic space.

**Methods of research:** methods of comparative and system analysis, expert estimation, the functional and cost analysis, estimation of supply and demand on goods, mathematical and statistic and direct-costing methods are used.

**Gained results and their novelty:** in the dissertation the model of marketing strategy of development of export opportunities of the textile industry of the Republic is worked out; directions of increase of export potential of the textile enterprises are proved; the method of estimation of competitiveness of the textile enterprises is advanced; the method of calculation of integral parameters of effective utilization of resources at the stage is developed; the method of estimating the strategic marketing costs' efficiency is elaborated in view of features of the textile industry; the method of estimating the export output's efficiency in the textile industry is worked out.

**Practical importance:** theoretical proposals and practical recommendations on developing the marketing strategy of export potential of the textile industry will promotes the effective export of textile products and also makes it successful in the market of raw material and finished goods in conditions of transcontinental competition.

**Degree of introduction and economic efficiency:** the conclusions and proposals of the dissertation are used in activity of the Andijan Joint-Stock Company "Bobur", producing yarn and fabric (№ 353, 28.07.04) and the Open Joint-Stock Company "Poitug", producing yarn and coarse calico (№ 170, 26.07.04) and in the Joint Venture "Besteks" of the Besharyk region (№ 160, 15.10.04).

**Area of applying:** results of research can be used at the enterprises of the textile industry and other enterprises of the industrial complex of the Republic.